

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**11-сон**  
**(199)**  
**2006 й.**  
**март**

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

80. «Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 14 мартдаги ЎРҚ–24-сон Қонуни
81. «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 мартдаги ЎРҚ–25-сон Қонуни
82. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2005 йилги фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 25 февралдаги 157–I-сон қарори

*Учинчи бўлим*

83. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-

- лаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 мартдаги 41-сон қарори
84. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 мартдаги 42-сон қарори
85. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Нихол» мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарори
86. «Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 мартдаги 45-сон қарори
87. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомахсулотларини тарқатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 февралдаги ПҚ–277-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 мартдаги 47-сон қарори

#### Бешинчи бўлим

- 
88. «Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 21 февралдаги 39-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 мартда 1551-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
89. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/8-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 мартда 1552-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
90. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 мартда 1553-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
91. «Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 24, 2006-6-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 мартда 1218-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- +

92. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 22, 2006-13-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 мартда 1230-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
93. «Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 20, 2006-12-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 мартда 1234-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
94. «Истеъмол товарлари ва болалар учун тўловлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек республикада ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини сотувчи улгуржи савдо корхоналари учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 16, 2006-17-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 мартда 1235-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
95. «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериладиган ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларга қўшилган қиймат солиғи бўйича нол даражали ставкани қўллаш тартибини, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 13, 2006-15-сон қарори. (*2006 йил 13 мартда давлат реестридан чиқарилди*)
96. «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 12, 2006-19-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 16 мартда 1260-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
97. «Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган харбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2006 йил 11 мартдаги 274-В ва 30-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 мартда 1554-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
98. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 15, 2006-

14-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 мартда 1325-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

99. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобва-  
рақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон  
Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2006 йил  
11 мартдаги 274-В ва 30-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-  
зирлиги томонидан 2006 йил 17 мартда 773-21-сон билан давлат рўйха-  
тидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги  
меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил  
11 мартдан 17 мартгача бўлган маълумот

-

+

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**80** Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилисин.

+

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 14 март,  
ЎРҚ-24-сон

-

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 14 мартда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**81** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда  
Женевада Дипломатик конференция томонидан  
қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага  
қўшилиши ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 феврал-  
да маъқулланган

2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилин-  
ган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилишсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 15 март,  
ЎРҚ-25-сон

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ  
ҚАРОРИ**82** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳу-  
қуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг)  
2005 йилги фаолияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг  
(омбудсманнинг) 2005 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг  
Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 февраль,  
157-І-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 16 мартда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари  
бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2005 йилги фаолияти  
тўғрисида ҳисобот**

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти икки палатали парламентнинг вужудга келиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан илгари сурилган жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ҳамда модернизациялаш концепциясини рўёбга чиқариш шароитларида амалга оширилди.

**I. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги  
қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларга риоя этилиши  
мониторинги**

Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштиришга қўмаклашиш бўйича фаолияти қабул қилинаётган қонун лойиҳаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларни ратификация қилиш юзасидан Олий Мажлисга таклифлар киритиш йўли билан минтақаларда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг аҳволи ҳақидаги ахборотни ўрганиш, фуқароларнинг муурожаатларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ва бошқа қонун лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдим этилди.

Ҳисобот даврида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил парламент қўмиталари билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот алмашиш, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, назорат фаолиятини олиб боришда ҳамкорлик қилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасига доир тадбирларда иштирок этишга қаратилган ўзаро ҳамкорликнинг мавжуд шакллари ривожлантириб борди. Ҳисобот йилида Омбудсманнинг Қонунчилик палатасининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бюджет ва иқтисодий ислохотлар, меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталари билан ҳамкорлиги фаоллашди.

Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари билан ўзаро ҳамкорлиги инсон ҳуқуқларига риоя этилиши соҳасидаги назорат фаолиятини такомиллаштиришга қаратилди ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборотлар, материаллар алмашиш, Сенат қўмиталари томонидан ўтказиладиган конференция ва семинарлар ишида қатнашиш йўли билан амалга оширилди. Айниқса, Сенатнинг ташқи сиёсат масалалари, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари билан ҳамкорлик самарали бўлди. Омбудсман билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кенгайтирилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этиши устидан назоратни кучайтириш, инсон ҳуқуқлари бузилиши сабабларини бартараф этиш, қонун

устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиниши тизимини татбиқ этишга қўмаклашиш имкониятини берди.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига оид масалалар бўйича шикоятлар сонининг кўпайиши, шунингдек уларни кўриб чиқиш жараёнида мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши юзасидан аниқланган муаммолар **Тошкент шаҳрида уй-жой мулкдорларининг ҳуқуқларини таъминланиши мониторингини** ўтказиш учун асос бўлди.

Омбудсман томонидан Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида ўтказилган мониторинг тадқиқоти уй-жой мулкдорлари ширкатлари самарасиз фаолиятининг уй-жой мулкдорлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишидаги таъсирини аниқлашга қаратилди. Мониторинг вазифаларига уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг иш шароитларини ўрганиш, ширкатга бирлашган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, иморатлар, биноларнинг сақланишини, лозим даражадаги техник ва санитария ҳолатини текшириш, ширкатларда кўп қаватли уйларни бошқариш юзасидан, шунингдек эксплуатация, авария-таъмир ва сервис хизматлари кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш масалалари киритилди.

Мониторинг жараёнида ишчи гуруҳ вакиллари қатор уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳокимликлар, коммунал-таъмирлаш-авария тиклаш хизмати ва «Маҳалла» жамғармаси вакиллари билан биргаликда ўтказилган умумий йиғилишларида иштирок этдилар. Мониторинг натижаларининг таҳлили уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг самараси кўп жиҳатдан белгиланган ҳуқуқий нормаларга оғишмай риоя қилинишига боғлиқ эканлигидан гувоҳлик беради. Мониторинг натижалари уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатди.

## II. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш бўйича фаолият

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, Омбудсман томонидан олинган **6142** та мурожаатдан (улардан **1004** таси такрорий) **1754** таси кўриб чиқилди ҳамда назоратга олинди; **1184** нафар аризачига уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг восита ва шакллари тушунтирилди; **2243** та шикоят мазмунан ҳал этиш учун ваколатли ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юборилди; **292** таси кўриб чиқмаслик сабаби кўрсатилган ҳолда рад этилди; **669** таси илгари келган шикоятларга қўшиб қўйилди. Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига почта орқали **3672** та, қабул чоғида **2470** та мурожаат келиб тушди. Бундан ташқари «ишонч телефони» орқали **3000** нафардан ортиқ фуқарога юридик маслаҳат ва тушунтиришлар берилди.

Назоратга олинган мурожаатларнинг **240** таси ҳисобот даврида ижобий ҳал этилди, **389** таси эса кўриб чиқилмоқда. Омбудсман томонидан **30** та шахсий қабул ўтказилди, уларда **449** нафар фуқаро қабул қилинди ва **181** та мурожаат назоратга олинди. Ҳисобот даврида Вакил томонидан **16** та хулоса тайёрланди, улардан **4** таси



Ўзбекистон Республикаси Олий Судига, 1 таси Тошкент вилоят ҳокимлигига жўнатилди, қолганлари кўриб чиқиш босқичларида турибди.

Фуқароларнинг мурожаатлари асосан Тошкент шаҳридан, Сурхондарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидан келиб тушди.

Ҳисобот даврида мамлакатнинг турли минтақаларида сайёр қабуллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йили Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида шундай қабуллар ташкил этилди. Ташрифлар мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, минтақавий вакиллар фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Вилоятлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари билан учрашувлар ва суҳбатлар ташкил этилди, минтақавий вакиллар ҳузуридаги эксперт гуруҳлари аъзолари, шунингдек маҳаллаларда фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилди.

Фуқаролар мурожаатларида кўтарилган долзарб муаммолар ичида **316** таси меҳнат ҳуқуқининг бузилиши, **518** таси уй-жой қонунчилигининг бузилиши, **214** таси фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси ва ижтимоий таъминотининг бузилиши, **22** таси ички ишлар органлари фаолияти устидан шикоятлар, **574** таси жиноий ишлар бўйича суд қарорлари устидан шикоятлар билан боғлиқ масалалардир.

Мамлакатимиз фуқаролари томонидан юборилган шикоятлардан ташқари, МДХ давлатларидан **29** та, шу жумладан Россия Федерациясидан 18 та, Украинадан 5 та, Қирғизистондан 4 та, Тожикистон ва Қозоғистондан биттадан мурожаат тушди.

Ҳисобот даври мобайнида Омбудсманга келиб тушган мурожаатлар таҳлили Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи қуйидаги сабабларини аниқлаш имконини бери:

— *қуйи тузилмалар ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан бевосита вазибаларини бажаришлари устидан юқори органлар идоравий назоратининг самарасизлиги;*

— *давлат органлари ва ташкилотларининг, хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятининг шаффофлиги таъминланмаганлиги, бундай ҳолатлар турли тоифадаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва амалга оширишда белгиланган меъёр ҳамда қоидалардан четга чиқишга олиб келаётганлиги;*

— *фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи дастлабки тергов органларининг хатти-ҳаракатлари ҳамда қарорларининг қонунийлиги устидан суд ва маъмурий назоратни амалга оширишнинг зарурий ташкилий-ҳуқуқий шакллари сусткашлик билан татбиқ этилаётганлиги;*

— *ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар айрим ходимларининг, маҳаллий ҳокимият органлари, турли ташкилотлар ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари айрим раҳбарларининг малакаси етарли эмаслиги, касбий дунёқараши торлиги, баъзан эса улардаги ҳуқуқий нигилизм, бепарволик, сансалорлик ҳамда жавобгарликни ҳис қилмаслик;*

— *фуқароларнинг ҳуқуқий маърифати ва қонунга бўйсунуш даражасини ошириш мақсадида аҳоли турли тоифаларининг ҳуқуқий таълим тизимини яратиш соҳасида давлат органлари ва жамоат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи механизм мавжуд эмаслиги ёки унинг кучсизлиги.*

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига фуқароларнинг Вакилга мурожаат қилганидан сўнг маҳаллий

ҳокимият органлари баъзи мансабдор шахслари томонидан таъқиб этилаётгани ва сиқувга олинаётгани масалаларига доир мурожаатлари кўпайганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш даркор. Шу муносабат билан Вакилнинг аралашуви ҳар доим ҳам самарали бўлавермайди ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни талаб этади.

### III. Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолияти

Омбудсман ишига унинг минтақавий вакиллари сезиларли даражада ёрдам кўрсатишмоқда. Омбудсман минтақавий вакилининг асосий фаолият шакллари билан фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашдан иборат. Ҳисобот йилида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан фуқароларнинг **1300** тага яқин мурожаати кўриб чиқилди, кўп ҳолларда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, мурожаат қилувчиларга уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усул ва воситалари тушунтирилди.

Қайд этиш лозимки, қатор минтақаларда хусусан, Тошкент шаҳрида, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг минтақавий вакилларга мурожаатларининг ўсиши тамойили кузатилди. Айрим минтақаларда (Фарғона, Сурхондарё вилоятларида) эса фуқаролар мурожаатларининг камайиш тамойили кузатилдики, бу ҳолат минтақавий вакиллар фаолиятининг ташкилий-ресурслар таъминоти масалалари билан боғлиқдир.

Бундан ташқари 2005 йилда Омбудсман томонидан минтақавий вакилларга шикоятларни ҳал этиш, назорат функцияларини амалга ошириш, текширувлар ўтказиш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши тўғрисида объектив ахборотлар олиш учун фуқароларнинг муайян шикоятлари бўйича **237** та топшириқ берилди. Ҳисобот йили давомида улардан **67** таси ижобий ҳал этилди, **106** таси назоратда турибди, қолган ҳолатлар бўйича эса шикоятларда кўрсатилган асослар тасдиқланмади, мурожаат қилувчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг тартиби ҳамда воситалари тушунтирилди.

Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолиятида, суд мажлисларида кузатувчи сифатида иштирок этиш, фуқаролар билан жойларда учрашувлар ўтказиш, аниқ далиллар бўйича пенитенциар тизим муассасаларига ташрифлар уюштириш каби фаолият юритишнинг янги шакллари пайдо бўлди.

2005 йилда Омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан ички ишлар, адлия ва соғлиқни сақлаш вилоят бошқармалари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузилди. Ҳамкорликдаги фаолият режалари ишлаб чиқилди, ишчи гуруҳлар ташкил этилди, фуқаролардан тушаётган шикоятларни самарали ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот-маърифий тадбирлар ўтказиш юзасидан ишлар давом эттирилди.

Таъсис этилган пайтдан бошлаб минтақавий вакиллар Омбудсманнинг халқаро ҳамкорлигида фаол иштирок этмоқдалар. Ҳисобот йилида Омбудсманнинг Наманган вилояти бўйича вакили ва Тошкент шаҳри бўйича вакилнинг эксперт гуруҳи аъзоси БМТ Тараққиёт Дастури минтақавий идораси томонидан ташкил этилган Европа ва МДХ омбудсманларининг давра суҳбатларида иштирок этдилар.

Омбудсман институтининг парламент тузилмалари билан аввал йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланди ва қатор минтақавий вакиллар парламент палаталари қўмиталарининг назорат фаолиятини амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилдилар. Омбудсманнинг Қашқадарё вилояти бўйича вакили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламент-

лараро алоқалар, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмиталари томонидан ўтказилган БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ҳамда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига риоя қилиниши масаласини ўрганишда иштирок этди. Омбудсманнинг Бухоро вилояти бўйича вакили адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг назорат фаолиятида иштирок этди.

#### **IV. Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик**

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини самарали тиклаш мақсадида Вакил суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ҳамда идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Ҳисобот йилида Омбудсман иккита вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзолади.

2005 йилда Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликни давом эттирди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида бир қанча қўшма тадбирлар, шу жумладан «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва конституциявий одил судловни такомиллаштириш масалалари», Ўзбекистонда парламент Омбудсмани институти ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган «Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларига риоя этилишини ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигининг долзарб масалалари» мавзуларида конференциялар, «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналиши» мавзусида семинар ўтказилди. Вакил Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг IV Қурултойи, шунингдек миллий шерикларнинг коллегиял органлари ишида иштирок этди.

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили доимий шериклар — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан фаол ҳамкорлик алоқаларини давом эттирди. Бу ҳамкорлик инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг долзарб масалалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш муаммоларини муҳокама қилиш юзасидан конференция ва семинарлар ташкил этилишида, фуқаролар орасида социологик сўровлар ўтказилишида ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, Омбудсман Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасида иштирок этди.

Ҳисобот йилида Омбудсман билан қўйидаги нодавлат ва нотижорат ташкилотлари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Экосан» жамғармалари, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари самарали ҳамкорлик қилдилар. Омбудсман институти ушбу ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя

қилишга бағишланган тадбирларида мунтазам иштирок этди. Ҳисобот йили мобайнида ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари жойларда инсон ҳуқуқларига риоя этиш бўйича мониторингни ўтказишда иштирок этдилар.

Икки палатали парламент иш олиб бориши шароитида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг роли ва фаолияти сезиларли даражада фаоллашди. Ҳисобот йилида Омбудсман институти қатор сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатларни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари томонидан ташкил этилган бир қанча тадбирларда иштирок этди. Бундан ташқари, Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги минтақавий семинарлари ишида маърузалар билан иштирок этдилар.

### V. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ахборот-маърифий фаолият

Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги ҳуқуқий маърифатга кўмаклашишдан иборат бўлиб, ушбу фаолият инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш, маълумотларни нашр этиш ва тарқатиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишларни уюштириш йўли билан амалга оширилмоқда.

Ҳисобот йилида Вакил ва унинг Котибияти ходимлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг ўқув марказларида, Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказида давлат органлари, касаба уюшмалари ходимлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жамоалари билан инсон ҳуқуқлари масалалари ҳамда уларни ҳимоя қилиш усуллари ўргатиш мақсадида назарий ва амалий машғулотлар ўтказдилар.

Омбудсман ходимлари ва хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қошидаги Қонунийликни мустаҳкамлаш ва прокуратура-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юристар малакасини ошириш маркази, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси, «Ипотека-банк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк», ички ишлар, соғлиқни сақлаш, мудофаа вазирликларида, шунингдек ўқув муассасалари, корхоналар ва маҳаллаларда маърузалар билан чиқишлари мунтазам хусусият касб этди ва бунда Омбудсман ҳамда Ўзбекистон парламенти фаолияти тўғрисида ахборот бериб берилди.

2005 йили Омбудсман ҳамда унинг вакиллари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган 50 га яқин конференция, семинар, давра суҳбатлари ишида иштирок этдилар. Парламент палаталарининг кўмиталари, юқори суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вазирликлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган мазкур тадбирлар давлат органлари ишини такомиллаштиришга, давлат тузилмалари, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини янада ривожлантиришга, суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилишга қаратилди.

Омбудсман оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилди. Ўтган даврда республика, вилоятлар, туманлар газеталарида, радио ва телевидение орқа-

ли Вакил фаолиятига оид **100** га яқин мақола ва эшиттиришлар бериб борилди. Ўтган даврда Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти тўғрисидаги ахборот Интернет тармоғи сайтларида доимий равишда жойлаштириб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали ишида Омбудсманнинг ҳаммуассис сифатида фаол иштирок этиши кўзда тутилди. Шу мақсадда Омбудсман институти журналнинг янги концепцияси ва таъсис ҳужжатларини тайёрлашда қатнашди.

## VI. Халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолият

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қуйидаги асосий вазифалари белгилаб олинган эди: халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятида ҳамда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чет элда ҳимоя қилишда Омбудсман иштирокини кенгайтириш; хорижий шериклар билан ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш; инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятдан, жумладан Омбудсманнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги фаолиятдан халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш; чет мамлакатлар омбудсманлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалари ҳамда чет эллик фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга кўмак бериш борасидаги мурожаатларини кўриб чиқиш; халқаро миқёсда Омбудсман манфаатлари самарали ифодаланишини таъминлаш; инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро тажрибани йиғиш, таҳлил қилиш, қўллаш ва тарқатиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш; замонавий ахборот технологиялари асосида Омбудсманнинг халқаро алоқалари ахборот-таҳлилий ва услубий таъминланишини яхшилаш шулар жумласидандир.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан чет давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан **20** та қабул ўтказилди. Исроил Кнессети, Корея Республикаси Конституциявий суди, Германия Федерал ҳукуматининг Россия ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари бўйича Вакили, Конрад Аденаур номидаги фонднинг расмий делегациялари, шунингдек ЕХХТ Бош котиби, АҚШ, Словакия, Польша ва Япониянинг Ўзбекистондаги элчилари, Тошкентдаги ЕХХТ Маркази бошлиғи, БМТ Тараққиёт Дастури ваколатхонаси, Австралия элчихонаси, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, ЮСАИД, Лондон Университети вакиллари ва бошқалар қабул қилинди.

Шу билан бирга, ўтган даврда Халқаро ва Европа омбудсман институтлари доирасида ҳамкорлик ривожланди, чет мамлакатлар омбудсманлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича институтлари (Польша инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили, Швеция Парламенти Омбудсмани, Озарбайжоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили, Латвиянинг инсон ҳуқуқлари бўйича Давлат бюроси, Россия Федерациясининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили, Словакия инсон ҳуқуқлари Оммавий ҳимоячиси) билан ўзаро ҳамкорлик давом эттирилди.

Ҳисобот йилида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга хорижий ҳамкасбларидан инсоннинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга кўмаклашиш масалалари юзасидан **20** дан ортиқ мурожаат ва сўровнома тушди, шу жумладан, Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилидан, Украина Олий Радаси Инсон

ҳуқуқлари бўйича вакилидан, Свердловск, Волгоград вилоятларининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари, Қозоғистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилидан, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиядан, Қирғизистон Омбудсменидан, Россия, Қирғизистон ва Тожикистон фуқароларидан тушган мурожаатлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ўтган йил давомида Омбудсманга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлардан ва уларнинг аъзоларидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, Ўзбекистон фуқароларига нисбатан чиқарилган суд ҳукмлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норозиликлар хусусида **330** та мурожаат келиб тушди.

Ҳисобот йилида Омбудсман Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг бажарилиши бўйича Миллий маъруза лойиҳасини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказишда, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси ва шартномавий кўмиталарининг саволномаларига жавоблар тайёрлашда иштирок этди.

Ҳисобот йилида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари хорижда ўтказилган конференциялар, семинарлар, тренингларда маърузалар билан иштирок этишига, мамлакатимиз минтақаларига ташриф буюрган халқаро ва хорижий ташкилотларнинг вакиллари билан учрашув ва суҳбатларни ташкил этиш йўли билан халқаро ҳамкорликни ривожлантиришига катта эътибор берилди.

Жаҳоннинг турли мамлакатларидаги омбудсман институтларининг фаолияти билан таништариш мақсадида Вакил институти томонидан ахборот-маърифий тусдаги «Жаҳон омбудсманлари» деб номланган махсус тўплам тайёрланди. Унга Польша, Бельгия, Португалия, Буюк Британия, Австралия, Канада, Нидерландия, Венгрия, Чехия, Словакия, Озарбайжон, Эстония омбудсманлари, ихтисослашган омбудсманлар ўз мақолаларини юборишди. Ушбу китоб талабалар, ўқув юртлар ўқитувчилари, илмий ходимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, адвокатлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг фаоллари, шунингдек кенг доирадаги китобхонлар учун мўлжалланган.

2005 йилда Ўзбекистон Омбудсманининг фаолияти тўғрисида халқаро жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш мақсадида ахборот агентликлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар сайтларида, омбудсман ташкилотларининг янгиликлар саҳифаларида ахборот ва маълумотларни жойлаштириш ишлари давом эттирилди.

### Хулоса

Парламент омбудсман институтининг ҳисобот давридаги бутун фаолияти мамлакатимизда фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати режали равишда амалга оширилаётганини кўрсатди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этаётган демократик институтлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўз иш услуби ҳамда шакллари давлат ва жамият қурилиши воқеликларида мувофиқ хозиржавоблик билан тартибга сола бориб, бу жараёнга давлат органлари ҳамда жамоат сектори жумласидан миллий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимида ўз ўрнини эгаллади.

Шу билан бирга, парламент омбудсмани фаолиятининг барқарорлигини ва унинг

зиммасига юклатилган вазифалар янада тўлароқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарурдир:

— амалдаги қонун ҳужжатларини уларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва унинг минтақавий вакилларининг фаолиятини таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш.

\* \* \*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2005 йил учун ҳисоботининг тўлиқ матни билан унинг Котибиятида ва Интернет тармоғидаги қуйидаги веб-сайтда танишиш мумкин: [www. parliament. gov. uz](http://www.parliament.gov.uz).*

+

-

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **83** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақил телерадио каналларни ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ–3678-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловаға мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловаға мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 10 март,  
41-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 10 мартдаги 41-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида» 1997 йил 25 августдаги 412-сон қарорининг 2, 4 ва 6-бандларидаги «Телерадиокомпаниянинг» ва «Ўзбекистон телерадиокомпаниясига» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг» ва «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектрдан фойдаланиш, телерадиодас-турларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 26-модда):

- а) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон МТРК» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 6-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон МТРК» сўзлари билан алмаштирилсин;
- в) Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самара-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*



дорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси тўғрисидаги низомда:

5-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон МТРК» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон МТРК» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш), телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш билан шуғулланиш фаолиятига лицензиялар бериш учун ҳужжатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартибининг 5 ва 6-бандларидаги «Ўзтелерадио» компаниясига» ва «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига» ва «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда):

а) 1—3-бандлардаги «Ўзтелерадио» компанияси», «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон МТРК», «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон МТРК» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 8-банддаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 10-банддаги «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 29 июндаги 285-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 36-модда) 7-бандидаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 4 ноябрдаги 484-сон қарорининг 3, 5 ва 6-бандлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 17 мартдаги 126-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 29-модда) 5-бандининг бешинчи хатбошидаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

а) 27-иловадаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 45-иловадаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига 8-иловадаги «Ўзтелерадио» компанияси» сўзлари «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Телерадио компанияси тизими учун жалб этилган хорижий кредитларнинг тўланишини таъминлаш чора-тадбирлари

тўғрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 611-сон қарорининг 1-бандидаги «Ўзбекистон Телерадио компаниясининг таркибий бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда):

а) 2-илова қуйидаги мазмундаги 23-банд билан тўлдирилсин:

«23. Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси»;

йигирма учинчи—йигирма саккизинчи бандлар тегишли равишда йигирма тўртинчи—йигирма тўққизинчи бандлар деб ҳисоблансин;

б) 3-иловадаги Мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар биринчи блокига «Академик, халқ ва бадий жамоалар дирекцияси» хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси».

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 10 мартдаги 41-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

— 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиштириш компаниясининг кўрсатув ва эшиттиришлари ҳажмини кўпайтириш, унинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 28 мартдаги 167-сон қарори. +

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Телерадиокомпаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари» тўғрисида 1996 йил 24 майдаги 190-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 6-сон, 18-модда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**84 Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 9 январдаги ПФ–3709-сон Фармони бажариш юзасидан, шунингдек агросаноат фирмаларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш учун зарур норматив базани яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзвиносоноат-холдинг» холдинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган шартномаларнинг тавсия этиладиган шакллари ишлаб чиқсинлар ва жойларга етказсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 10 март,  
42-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 10 мартдаги 42-сон қарорига  
ИЛОВА

**Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ****I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 9 январдаги ПФ–3709-сон Фармонига мувофиқ мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари (кейинги ўринларда Агрофирма деб юритилади) ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартибини белгилайди.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

2. Агрофирма фермер хўжаликлари ва аҳоли томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш ҳамда сотиш асосий фаолияти бўлган юридик шахс ҳисобланади.

3. Қўйидагилар Агрофирманинг муассислари бўлиши мумкин:

мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари;

барқарор хўжалик алоқаларига ва илғор ишлаб чиқариш технологияларига эга бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш корхоналари;

юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

хорижий инвесторлар;

Агрофирмаларда қатнашиши қонунда тақиқланмаган бошқа шахслар.

4. Агрофирмани таъсис этишда унинг қатнашчилари ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

5. Агрофирмалар унинг қатнашчилари томонидан ихтиёрий тартибда ташкил этилади.

6. Агрофирмалар тижорат ташкилотлари ҳисобланади ва қонунда назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

7. Агрофирмалар улар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Агрофирмаларни таъсис этишда муассислар тегишли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги субъектларни ташкил этиш учун белгиланган қонун ҳужжатлари талабларини бажариши керак.

8. Агрофирмалар таркибида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, ташиш, тайёрлаш, уларнинг маркетингини олиб бориш ва бошқалар бўйича бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

9. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари Агрофирмаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралаштиришга ҳақли эмас.

## **II. Агросаноат фирмаларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари**

10. Агросаноат фирмаларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш қўйидаги асосий принципларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

Агрофирмалар фермер хўжаликлари томонидан ихтиёрий асосда ташкил этилади, бунда муассислар таркибига, фермерлар билан бир қаторда, барқарор хўжалик алоқаларига ва илғор ишлаб чиқариш технологияларига эга бўлган, шунингдек яқин атрофдаги ҳудудда жойлашган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари кириши мумкин;

Агрофирмалар исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда, шу жумладан хорижий инвестор билан қўшма корхоналар шаклида ташкил этилиши мумкин;

фермер хўжалиқларининг Агрофирмалар таркибига кирувчи қайта ишлайдиган ва бошқа корхоналар билан ўзаро муносабатлари тузилган узоқ муддатли шартномалар асосида амалга оширилади, ушбу шартномаларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинади, шу жумладан етказиб бериладиган маҳсулот-

нинг камида 30 фоизи аванс билан таъминланиши ҳамда кейинчалик маҳсулотларнинг кафолатли равишда харид қилиниши белгилаб қўйилади;

фермер хўжаликлари — Агрофирмалар таъсисчилари шартномадагидан ортиқча етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз хоҳишига кўра ички бозорда сотади ва экспорт қилади.

### III. Агрофирмаларнинг мақсади ва асосий вазифалари

11. Агрофирма асосан қишлоқ жойларда, унинг қатнашчилари саъй-ҳаракатларини, уларнинг моддий ва молиявий ресурсларини бирлаштириш асосида ташкил этилади.

12. Қўйидагилар Агрофирмаларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда уларни ички ва ташқи бозорларда сотиш;

мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш;

маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришнинг мақбул ҳажмларини белгилаш;

оқилона технология ва кооперация алоқаларини яратиш;

экспорт потенциалини кўпайтириш ва инвестициялар жалб этиш;

аҳолини иш билан таъминлаш.

### IV. Агрофирманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Агрофирма қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш ва амалга ошириш, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш;

етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан, шу жумладан бюджет ташкилотлари билан хўжалик шартномалари тузиш;

маҳсулотни сотиб олиш юзасидан фермер ва деҳқон хўжаликлари билан фьючерс контрактлари тузиш;

аҳолидан мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум харид қилиш;

етиштирилаётган маҳсулотга ва бажарилаётган ишлар (кўрсатилаётган хизматлар)га мустақил нарх белгилаш;

олинган даромад (фойда)ни, шунингдек ўзига хизмат кўрсатувчи банкларнинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини ўз хоҳишига кўра белгиланган тартибда тасарруф этиш;

кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, пул маблағларини шартнома асосида жалб этиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга ва такрорий ишлаб чиқаришга йўналтириш;

ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш.

Агрофирма қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

14. Агрофирма:

ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга;

тузилган шартномалар шартларини бажаришга;

солиқлар ва мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлашга мажбур.

Агрофирма қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

#### **V. Агрофирманинг мол-мулки**

15. Агрофирманинг мол-мулки:  
муассислар томонидан унинг устав фондига улуш шаклида қўшилган мол-мулк;  
ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинган маҳсулотлар;  
товарларни сотиш, ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш)дан, шунингдек  
фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширишдан олинган даромад (фойда);  
қимматли қоғозлардан олинган даромад;  
юридик ва жисмоний шахсларнинг бегараз, хайрия ва бошқа эҳсонлари;  
белгиланган тартибда сотиб олинган технология асбоб-ускуналари, бинолар,  
транспорт воситалари, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк  
объектлари ҳамда бошқа мол-мулк;  
жалб этилган маблағлар;  
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантири-  
лади.

16. Мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни сотиб олиш ва қайта ишлаш Агро-  
фирма томонидан ўз маблағлари ва жалб этиладиган ресурслар ҳисобига амалга  
оширилади.

17. Агрофирма томонидан кўрилган зарарлар унинг мол-мулки ва қонун ҳуж-  
жатларида тақиқланмаган бошқа мол-мулк ҳисобига қопланади.

#### **VI. Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар**

18. Агрофирма ходимлари ишга белгиланган тартибда меҳнат шартномасига  
мувофиқ қабул қилинади. Вазифалар бажарилишини таъминлаш учун шахслар  
Агрофирма томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб этилиши  
мумкин.

19. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шакли қонун ҳужжатларига  
мувофиқ агрофирма томонидан мустақил равишда белгиланади.

#### **VII. Ҳисоб ва ҳисобот**

20. Агрофирма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия, статис-  
тика ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни юритади.

21. Агрофирманинг молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботи давлат бошқаруви  
органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим эти-  
лади.

#### **VIII. Солиқ солишга доир имтиёзлар**

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узум-  
чиликда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»  
2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сон Фармонида мувофиқ янгидан ташкил этилади-  
ган агросаноат фирмалари даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшил-  
ган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно), ягона солиқ

тўлови тўлашдан давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 3 йил муддатга озод этилади.

Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, кўчатлар экиш ҳамда боғ ва узумзорларни кенгайтириш бўйича ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилади.

#### **IX. Агрофирмени қайта ташкил этиш ва тугатиш**

23. Агрофирмени қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **85 Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

+

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 август «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги 334-сон қарорига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

2-банди ҳамда қарорнинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

3-бандидаги «ҳар йили» сўзлари «ҳар икки йилда бир марта» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

-

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 14 март,  
44-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарорига  
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. «Ниҳол» мукофоти истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инobatга олиб, ўзининг эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида берилади.

2. Номзодлар жами бешта номинация — эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, опера ижрочилиги ва рақс санъати бўйича танловлар орқали сараланади.

3. Ҳар бир ўринга муносиб номзодлар танлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда танловлар ўтказилади. Танловда иштирок этадиган ижрочилар истеъдоди томошабинлар, кенг жамоатчилик иштирокида ўзига хос синовдан ўтказилади.

4. Номзод истеъдоди ва ижро маданиятининг ўзига хослиги, бадиий маҳорати ва савияси, миллий санъатимизнинг юксак намуналаридан бохабарлиги билан алоҳида ажралиб туриши, халқимиз маънавиятини юксалтириш, мустақиллик ғояларини, жамиятимизда амалга оширилаётган маданий-маърифий ислохотлар моҳиятини санъат воситасида тарғиб этишга хизмат қилиши лозим.

5. Тавсия этилаётган ишларни кўришда номзоднинг профессионал тайёргарлиги, бадиий ижрочилик маҳорати, репертуар савияси (мусиқа, матн), ижтимоий фаоллиги, инсоний фазилатлари етакчи мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги, жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги инobatга олинади.

6. Академик ва анъанавий ижрочилик, эстрада, опера, рақс соҳасидаги ижодий ишларни баҳолашда номзодларнинг мамлакатимиз ва хориждаги кўрик ҳамда танловларда эришган ютуқлари ҳам эътиборга олинади.

### II. Танлов ўтказиш босқичлари

#### **1-босқич (апрель)**

7. Танловнинг биринчи босқичи Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарларида ўтказилади. Талабгорлар ҳужжатларини туман ва шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳузурида тузиладиган ишчи гуруҳга тақдим этадилар.

8. Ишчи гуруҳлар 5—7 кишидан иборат бўлиб, уларнинг таркибига туман, шаҳар маданият ва санъат муассасалари мутахассислари, жойлардаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари киритилади.

9. Ишчи гуруҳлар йиғилишларини ташкил этиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш туман, шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимлари ходимларидан тайинланадиган масъул котиб томонидан олиб борилади.

10. Ишчи гуруҳлар топширилган ҳужжатларни муҳокама қилиб, номзодларни



атрофлича ўрганиб чиқиб ҳар бир номинация бўйича биттадан номзодни Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳузурида таниқли мутахассис ва санъаткорлардан тузиладиган комиссияга тавсия этадилар.

11. Агар муайян номинация бўйича муносиб номзод бўлмаса, ўша йўналишда тавсия берилмаслиги мумкин.

### **2-босқич (июнь)**

12. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят комиссияларининг фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилади, унинг таркиби жойлардаги етук маданият ва санъат соҳаси мутахассислари ҳамда таниқли санъаткорлар, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари билан ташкил топади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят комиссиялари туман ва шаҳарлар ишчи гуруҳлар тақдим этган тавсияларни батафсил ўрганиб чиқиб, кенг жамоатчилик ва томошабинлар иштирокида номзодларни республика босқичига саралаш учун концерт дастури ёки кўргазмалар чиқишлар шаклида кўрик-танлов ўтказилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят комиссияси кўрик-танлов якунига кўра ҳар бир йўналиш бўйича 1 тадан жами 5 та номзодни танлаб олиб, истеъдодли ёшларга «Ниҳол» мукофоти бериш бўйича Республика Кенгашига тақдим этади.

15. Айрим йўналишлар бўйича муносиб номзод аниқланмаса, тавсия берилмаслиги мумкин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ёритиб борилади.

### **3-босқич (июль-август)**

17. Республика Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тақдим этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқади.

18. Республика Кенгаши фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

19. Республика Кенгаши барча йўналишлар бўйича жами 20 нафар номзодни танлаб, уларнинг ижодий ишларини кўриб чиқади ва танлов асосида совриндорларни белгилайди. 10 нафар совриндор Кенгашнинг махсус қарори билан тасдиқланади ва уларга «Ниҳол» мукофоти топширилади.

20. Республика оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти ва ижоди кенг ёритиб борилади.

21. Голибларни аниқлаш жараёни билан боғлиқ барча ишлар август ойининг биринчи ўн кунлигида якунланади.

## **III. Ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби**

22. Ҳар бир номзоднинг ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри комиссияларининг хулосалари ва қарорлари билан юборилади. Қарорда номзоднинг исми, фамилияси ва отасининг исми, фаолияти ва ижро

махоратининг кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги ҳақидаги маълумотлар, мукофотга тақдим этиш асослари кўрсатилади.

Ҳар бир номзод бўйича қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

номзоднинг паспорт нусхаси, диплом нусхаси ёки таълим олаётган ўқув юртидан маълумотнома;

репертуарлар рўйхати, видео-аудио альбомлари;

номзоднинг шахсий варақаси, таржимаи ҳоли, 4 дона фотосурат (2 дона 3x4, 2 дона ижодий жараёндаги сурат), танловларда қатнашганлиги ҳақидаги диплом ёки сертификат нусхаси (агар бўлса);

доимий ўқиш ёки иш жойидан берилган ва мазкур ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган ижодий тавсифнома;

оммавий ахборот воситаларида номзод ҳақида берилган кўрсатув ва эшиттиришлар ёки мақолалар нусхаси (агар бўлса).

23. Талабгорнинг ҳужжатлари юқорида кўрсатилган тартибда ва белгиланган муддатларда қабул қилинади.

#### IV. «Ниҳол» мукофотини топшириш тартиби

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти ҳар икки йилда бир марта Мустақиллик байрами арафасида тантанали вазиятда топширилади.

25. «Ниҳол» мукофоти ўз рамзи акс эттирилган соврин ва энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баравари миқдоридagi пул маблағидан иборатдир.

26. «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган ёшлар маданият, санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади, мамлакатнинг атоқли санъаткорларидан сабоқ олиш имкониятига эга бўлади.

27. «Ниҳол» мукофоти такроран берилмайди.

28. «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг рўйхати Мустақиллик байрами арафасида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 86 Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фонди ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан 2005 йилда ташкил этилган «Келажак овози» танлови мамлакатимизнинг барча минтақаларида яшайдиган талантли ва иқтидорли ёшларни аниқлашга, улар учун илм-фан, санъат, замонавий технологиялар соҳасидаги салоҳиятни намоён қилишда янги имкониятлар яратишга йўналтирилган эди.

Ўтказиладиган «Келажак овози» танловини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон маданияти ва санъати анжумани» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Келажак овози» танловини ҳар йили ўтказиш ҳамда унга республика мақомини бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Танлов ташкилотчилари томонидан Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича 1-иловага\* мувофиқ таркибда жамоатчилик кенгаши ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар ёшларнинг кенг иштирок этиши учун тегишли шарт-шароитларни, номзодларни сифатли ва ҳолисона танлашга кўмаклашишни таъминласинлар, шунингдек Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этишда аниқ ёрдам кўрсатсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойларда танловни ўтказишда, қатнашчиларни танлашда, финалистларнинг финал босқичига боришини ташкил этишда, шунингдек танлов бўйича саралаб олишни ҳамда мукофотлаш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

5. Жамоатчилик бирлашмалари, вазирликлар ва идораларнинг танлов қатнашчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, танлов ғолиблари лойиҳаларини жорий этиш бўйича келгусидаги ишлар учун 2-иловага мувофиқ оталиқ ташкилотлари рўйхати юзасидан таклифи қўллаб-қувватлансин.

6. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг танловни ташкилий-молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари ҳисобига штатлари сони беш нафардан иборат бўлган танлов ижро этувчи дирекциясини шакллантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Қуйидагиларга:

мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларига — танловни ўтказишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига — Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ўтказишни кенг ёритиш тавсия қилинсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 14 март,  
45-сон

---

\* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 14 мартдаги 45-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танлови  
номинациялари бўйича биркитилган оталиқ ташкилотлар  
рўйхати**

**1. Бадий ва амалий санъат**

(хайкалтарошлик, дизайн, халқ амалий санъати, хунармандчилик, тасвирий санъат, кулолчилик санъати)

- Ўзбекистон Бадий академияси
- К. Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн миллий институти
- Ўзбекистон Рассомлар ижодий бирлашмаси
- Республика бадий коллежи
- Халқаро маданият карвонсаройи

**2. Ахборот ва коммуникация технологиялари**

(янги компьютер дастурлари яратиш, веб-дизайн, телекоммуникациялар)

- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
- Тошкент ахборот технологиялари университети
- Ўзбекистон Миллий университети
- Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

**3. Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар**

(техник дастурларни такомиллаштириш бўйича таклифлар, рационализаторлик таклифлар, талабаларнинг илмий ишлари)

- Патент идораси
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
- Республика болалар ижодиёти уйи
- Тошкент давлат техника университети

**4. Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режалар**

(ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар, бизнес-режалар, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича лойиҳалар, ёшларни бирлаштиришга йўналтирилган лойиҳалар)

- Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши
- Ўзбекистон либерал-демократик партияси – тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси
- Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси

**5. Бадий ижод**

(проза, публицистика, поэзия, драматургия, мусиқа, телевизион ва радиожурналистика, матбуот)

- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
- Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
- Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси
- Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси
- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

**6. Архитектура ва дизайн**

(архитектура иншоотларини лойиҳалаш, шаҳарсозлик, меъморий безаш, кийимлар ва бинолар дизайни, интерьер дизайни, ободонлаштириш)

- Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси
- Тошкент архитектура-қурилиш институти
- Ўзбекистон Дизайнерлар уюшмаси
- «Давархитектқурилиш» қўмитаси
- Ўзбекистон Бадий академиясининг Республика дизайн коллежи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**87** **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 февралдаги ПҚ–277-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 февралдаги ПҚ–277-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 16 март,  
47-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 16 мартдаги 47-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодас-турларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 26-модда):

а) 2-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий телевидение ва радиоэшиттириш-ларни тарқатиш шартларини, мамлакатимиз телерадиоэшиттиришларини бошқа

давлат ҳудудида тарқатиш, Ўзбекистон ахборот тармоғининг жаҳон тармоқларига интеграциялашуви тартиби ва шартларини белгилаш»;

б) 3-банд иккинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш ҳуқуқини бериш ёхуд рад этиш (бекор қилиш) тўғрисида қарорлар қабул қилиш»;

учинчи—бешинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи—олтинчи хатбоши ҳисоблансин;

в) 2-иловада:

6-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий телевидение ва радиоэшиттиришларни тарқатиш шартларини, мамлакатимиз телерадиоэшиттиришларини бошқа давлат ҳудудида тарқатиш, Ўзбекистон ахборот тармоғининг жаҳон тармоқларига интеграциялашуви тартиби ва шартларини белгилаш»;

7-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тегишли давлат органларининг ҳулосаларига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш ҳуқуқини бериш масалалари бўйича қарорлар қабул қилади»;

8-банд иккинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш ҳуқуқини бериш ёхуд рад этиш (бекор қилиш) тўғрисида қарорлар қабул қилиш»;

учинчи—еттинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи—саккизинчи хатбоши ҳисоблансин;

г) 5-иловада:

9-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш тартибига риоя қилинишини белгиланган тартибда назорат қилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 47-модда) 4-иловада:

1-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда «Агентлик» деб юритилади) алоқа, ахборотлаштириш ва радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш ва давлат сиёсатини ўтказиш учун ваколат берилган мувофиқлаштирувчи бошқарув органи, шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш соҳасида махсус ваколатли орган ҳисобланади»;

8-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш соҳасида махсус ваколатли орган функцияларини амалга ошириш»;

9-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг

телерадиомахсулотларини тарқатиш ҳуқуқини олиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказишни ташкил қилади».

+

-

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**88 Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта  
етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар  
ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқ-  
лаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
13 мартда 1551-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 23 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги ва «Селекция ютуқла-  
ри тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жо-  
рий йил 31 январдаги «2006 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани  
навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида»ги ПҚ-271-сонли қарори ижросини таъ-  
минлаш мақсадида **буюраман:**

1. Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга  
бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ило-  
вага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-  
тидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Мазкур буйруқ кучга киритилган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 18 январдаги 14-сонли «Уруғлик  
пахта етиштирувчи хўжаликларни танлов асосида рўйхатга олиш ҳақидаги» буй-  
руғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқни ижросини назорат қилиш вазирнинг ўринбосари О.Олла-  
берганов зиммасига юклатилсин.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 21 февраль,  
39-сон



Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2006 йил 21 февралдаги 39-сонли  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта  
етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида  
танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 497-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 январдаги ПҚ–271-сонли қарорларига мувофиқ ширкат ва фермер хўжаликларига элита ва кейинги авлодли уруғларини етиштириш ҳуқуқини бериш учун танлов ўтказиш қоидаларини белгилайди.

**I. Умумий шартлар**

1. Туманда уруғлик пахта етиштириш майдони, уруғлик учун экиладиган ғўза навлари ва кутиладиган уруғлик пахта хом ашёси ҳажмлари Ғўза уруғчилиги Республика маркази ҳудудий бирлашмалари таклифлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан тасдиқланган режага асосан белгиланади.

2. Туман ҳокими элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танлов ўтказиш комиссия таркибини тасдиқлайди ва танловни эълон қилиш бўйича қарор қабул қилади.

Комиссия таркибига туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи (комиссия раиси), туман уруғчилик инспекцияси, туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими, туман ер тузиш ва кадастр бўлими, туман техника назорати бўлими, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳосилоти ва бошқа тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари киритилиши лозим.

3. Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда йиғилиш ўтказишга ҳақли ҳисобланади.

Уруғлик пахта етиштириш тўғрисидаги ҳуқуқ 1 йилга берилади.

4. Туман ҳокимининг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларида осиб қўйилиши керак. Эълонда танловнинг ўтказиш вақти ва жойи, тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ва танлов ўтказиш тартиби кўрсатилиши лозим.

5. Танлов уни ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниб, эълон қилинган кундан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

Танловда иштирок этиш ҳуқуқига пахта етиштирувчи ширкат, фермер, тажриба ва бошқа хўжаликлар эга.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 декабрдаги 604-сонли қарори билан тасдиқланган ғўзанинг рўйхатдан ўтказилган навлари уруғини етиштириш бўйича элита-уруғчилик хўжаликлари ўз фаолиятини давом эттирган ҳолда танловда иштирок этишдан озод қилинади.

7. Комиссия элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун рухсат бериш бўйича танлов ўтказди. Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва тасдиқлаш учун туман ҳокимига тақдим этилади. Мазкур баённома нусхалари Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда Ғўза уруғчилиги Республика марказининг ҳудудий бирлашмаларига тақдим этилади.

8. Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танлов мазкур Низомни 1-иловасида келтирилган схема бўйича ўтказилади.

## **II. Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун рухсат бериш умумий шартлари**

9. Танлов ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун давомида аризалар қабул қилинади.

10. Танловда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш танлов эълон қилинган куннинг 30-куни соат 18<sup>00</sup> да тўхтатилади. Агар 30-кун дам олиш кунига тўғри келса, дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунини соат 18<sup>00</sup> да аризаларни қабул қилиш тўхтатилади.

11. Ариза ва ҳужжатларни комиссиянинг котиби қабул қилади. Комиссиянинг котиби даъвогарларга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия котиби танловда иштирок этиш кунигача даъвогарнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиши лозим.

## **III. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш тартиби**

12. Танлов 5 иш кунига ўтказилади. Танлов икки босқичдан иборат бўлади: биринчи босқичда ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва мазмуни текширилади; иккинчи босқичда даъвогарларнинг аризаларида баён қилинган имкониятларининг асосланганлиги ўрганиб чиқилади ва якуний қарор қабул қилинади.

13. Даъвогарлар имкониятлари 10 баллик рейтинг шкаласида баҳоланади.

14. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда комиссия муайян элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун берилган ариза тақдим этган даъвогарларнинг ҳужжатлари асосида уларнинг таклифларини пухта ўрганиб чиқади. Бунда ариза берувчининг ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқатга яқинлиги ҳамда уларни бажариш имкониятлари ҳисобга олинади.

15. Танловда иштирок этувчи қатнашувчиларни танлашнинг биринчи босқичида даъвогарларнинг имкониятлари қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

а) хўжаликларнинг ер унумдорлиги (туман ер тузиш ва кадастр бўлими маълумоти)га асосан 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

б) хўжаликларнинг сув таъминоти (туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари)га асосан 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маъ-

лумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

Ерларни шўрланганлик даражаси, сув йўлларига мослиги, сизот сувларнинг жойлашуви, кейинги 3 йилда ғўза касалликлари ва зараркунандаларига чалинмаганлиги ва бошқа кўрсаткичлар инобатга олинади.

в) хўжаликда ишлаётган ходимларнинг мутахассислиги тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)га асосан 5 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

г) даъвогарнинг кишлоқ хўжалигидаги иш стажини аниқлашда меҳнат дафтарчасига асосан фақат уруғчилик соҳасида ўталган иш стажини инобатга олинади ва 6 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Бунда комиссияга меҳнат дафтарчасининг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади;

д) хўжаликда ишлаётган ходимларнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)га асосан 5 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

е) даъвогарнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги банк томонидан берилган маълумотномада тасдиқланган бўлиши лозим. Банк маълумотномаси банк Бошқаруви раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

ж) даъвогарнинг техника воситалари билан таъминланганлиги уларнинг тури ва техник имкониятларидан келиб чиқиб 1 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Комиссияга техника воситалари техник паспортларининг асл нусхалари тақдим этилади.

Танловга таклиф этилган техника воситалари қўйидагилар асосида баҳоланади:

техника воситаларини баҳолашда фақатгина техник паспортидаги техник созлиги тўғрисидаги белги мавжуд бўлган техника воситаларигина инобатга олинади;

таклиф этилган барча турдаги техника воситалари учун қўйилган баллар йиғиндиси 15 баллдан ошмаслиги лозим.

з) даъвогар сўнги уч йилда пахта хом ашёси етказиб бериш шартномаларининг бажарилиши тўғрисидаги туман статистика бўлими томонидан берилган маълумот асосида 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Даъвогарнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича тегишли баллни бериш масаласи комиссия аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган кўрсаткичлар асосида кўпчилик овоз билан ҳал этилади ва ҳар бир кўрсаткич бўйича битта балл берилади.

16. Йиғилишда комиссия аъзоларининг кўпчилик овозига кўра қўйилган рейтинг балларига асосан танлов ғолиблари аниқланади.

Танловда ҳар бир комиссия аъзоси томонидан даъвогарга қўйилган баллар йиғиндиси комиссияда балл қўйган аъзолар сонига бўлинади ва даъвогарга қўйилган ўртача балл ҳисоблаб чиқарилади.

17. Энг кўп балл тўплаган даъвогар танлов ғолиби деб комиссия раиси томонидан эълон қилинади.

18. Туманда уруғлик етиштириш учун талаб этиладиган майдонга қараб, кейинги ўринларни эгаллаган даъвогарлар ҳам уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлади.

19. Комиссия якуний йиғилишининг баённомаси мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклда икки нусхада тузилиб, комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланади.

20. Комиссиянинг якуний йиғилиши баёни ва унга илова қилинган ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ғўза уруғчилиги бирлашмаларига юборилади (туман ҳокимияти қошидаги комиссия билан келишган ҳолда).

#### **IV. Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун даъвогарларни танлаш ва танлов ўтказиш ишлари бўйича ҳужжатларни юритиш**

21. Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун даъвогарларни танлаш ва танлов ўтказиш бўйича ҳужжатлари комиссия котиблари томонидан юритилади. Комиссия котиби, қоида тариқасида, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими бўлади.

22. Комиссиянинг даъвогарларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатлари алоҳида йиғма жилдларда сақланади. Мазкур ҳужжатлар уруғчилик хўжаликларининг барчаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 2 ҳафта мобайнида Республика ғўза уруғчилиги марказининг идоравий архивига топширилади.

23. Ҳар бир йиғма жилдда қуйидаги ҳужжатлар тикилиши лозим:

а) танловларга даъвогарлар томонидан тақдим этилган аризалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

б) комиссиянинг танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонлари;

в) танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақаси;

г) комиссиянинг ҳар бир ариза бўйича даъвогарларни танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарорлари;

д) ҳар бир комиссия аъзоси томонидан тўлдирилган танлов варақалари;

е) танлов якуни бўйича қўйилган баллар ҳисоб-китоби;

ж) танлов ўтказиш якунлари юзасидан комиссия томонидан қабул қилинган баённомалари;

з) даъвогарларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар.

Жилдга рейтинг баллари беришга асос бўлган барча ҳужжатлар (шу жумладан асли тақдим этилган ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари) тикилиши шарт.

24. Комиссиянинг фаолиятига доир ҳужжатларни тўлиқ юритилиши, сақланиши ва белгиланган муддатларда архивга топширилишига комиссия раиси ва котиби шахсан жавобгар ҳисобланади.

#### **V. Танлов ғолибларининг жавобгарлиги**

25. Уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлган ширкат, фермер, тажриба ва бошқа хўжаликларининг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари томонидан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида 2005 йил 12 февралда 1449-сон билан рўйхатга олинган «Вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот ва элита-уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ғўза уруғчилиги ва селекцияси масаласига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун аниқ жавобгарлигини назарда тутувчи низомига асосан белгиланади.

26. Мазкур Низомда белгиланган талаблар бузилган ҳолда хўжаликлар ўрнатилган тартибда уруғлик етказиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

#### **VI. Яқуний қоидалар**

27. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар Комиссия томонидан амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган тартибда ҳал этилади.

28. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишилган.

**«Келишилди»**

**«Ўзпахтасаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Э. ЗИКРИЁЕВ**


Тошкент ш.,  
2006 йил 20 февраль

+

-

Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танловини ўтказиш схемаси**



Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда даъвогарларнинг имкониятларини баҳолайдиган РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ**

Т/р	Баҳолаш меъзонлари	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллари	Тақдим этиладиган ҳужжатлар
1	Экин майдони ҳолати	60 балл бонитетдан юқори 50 дан 60 гача 40 дан 50 гача	10 балл 8 балл 4 балл	Туман ер ресурслари бўлимининг маълумоти
2	Сув таъминоти	Яхши Ўрта Ёмон	10 балл 8 балл 4 балл	Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг маълумоти
3	Хўжалик ходимларининг мутахассислиги	Уруғчилик бўйича агроном, агроном иқтисодчи, юрист инженер, ҳисобчи, механик, зоотехник, ветеринар, бошқа мутахассис	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 5 балл	Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
4	Хўжалик ходимларининг қишлоқ хўжалигидаги иш стажы	15 йил ва ундан юқори 10 йилдан 15 йилгача 5 йилдан 10 йилгача 3 йилдан 5 йилгача 1 йилдан 3 йилгача	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 6 балл	Меҳнат дафтарчаси ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
5	Хўжалик ходимларининг маълумоти	Олий Ўрта махсус Ўрта	10 балл 7 балл 5 балл	Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
6	Даъвогар ҳисоб варағидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағи ёки мол-мулки	10 млн. сўмдан юқори 5 млн. — 10 млн. сўмгача 1 млн. — 5 млн. сўмгача 500 мингдан — 1 млн. сўмгача	10 балл 8 балл 6 балл 4 балл	Банк маълумотномаси. Танловга мол-мулк тақлиф этилган тақдирда, унинг баҳосини ва унга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат
7	Даъвогарга тегишли яроқли техника	ҳайдов трактори ёки ўрим техникаси Ишлов бериш трактори Транспорт трактори Юк машинаси Енгил машинаси Бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси	10 балл 9 балл 8 балл 2 балл 1 балл 1 балл	Техник паспорт
8	Даъвогарнинг сўнгги уч йил давомида пахта хом ашёси етказиб бериш бўйича шартномаларнинг бажарилиши	3 йил сурункали бажарганда 3 йилдан 2 йил бажарганда 3 йилдан 1 йил бажарганда	10 балл 8 балл 6 балл	Туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотнома

Элита ва кейинги авлодларга мансуб  
уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга  
бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани \_\_\_\_\_ комиссияси йиғилишининг  
(комиссиянинг номи)

### \_\_\_\_\_ -СОНЛИ БАЁННОМАСИ

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_ йил

**Раислик қилди:** \_\_\_\_\_  
(комиссия раиси Ф.И.Ш.)

**Қатнашдилар:** \_\_\_\_\_  
(комиссия аъзоси Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (комиссия аъзоси Ф.И.Ш.)

### Кун тартиби

\_\_\_\_\_ уруғчилик хўжаликлари ўрта-  
сида ўтказилган танлов яқунлари тўғрисида. +

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ ахбороти эшитилди.

\_\_\_\_\_ Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, комиссия

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

\_\_\_\_\_ уруғчилик хўжаликлари ўртасида ўтказилган танлов  
яқунлари қуйидагича тасдиқлансин.

Т/р	Танлов ғолибининг номи	Майдони, га	Тўплаган бали
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

**Комиссия раиси** \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо)

**Комиссия аъзолари:** \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо)

**Котиб** \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо)



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**89** Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
13 мартда 1552-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 23 мартдан кучга киради)*

«Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги низом лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Бошқарув **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Марказий банк Бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг айрим меъерий ҳужжатларини тасдиқлаш ва бекор қилиш ҳақида»ги 1998 йил 25 июлдаги 13/13-сонли қарори ва у билан тасдиқланган 412-сонли «Автоматлаштирилган банк технологияси тизимидаги ахборотни муҳофаза қилиш ва ушбу қодаларнинг бажарилишида тижорат банкларидаги мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги (1998 йил 30 октябрь, рўйхат рақами 515), 413-сонли «Автоматлаштирилган банк технологияси тизимидаги ахборотни муҳофаза қилиш ва ушбу қодаларнинг бажарилишида Ҳисоб-китоб касса марказларидаги мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги (1998 йил 30 октябрь, рўйхат рақами 516) низомлар ҳамда Марказий банк Бошқарувининг «Ахборот муҳофазасига тегишли меъерий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1999 йил 25 декабрдаги 22/16-сонли қарори ва у билан тасдиқланган 412-1-сонли қўшимча кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кундан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 январь,  
1/8-сон

Марказий банки Бошқаруви  
томонидан 2006 йил 17 январдаги  
1/8-сонли қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## **Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Архивлар тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон ҳисоблаш машиналари дастурлари ва маълумотлар базасини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг электрон тизимларида ишлов бериладиган ҳужжатлардаги маълумотларни муҳофаза қилишнинг умумий тартиби ва тижорат банклари фаолиятида электрон тизимларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари ҳамда масъул ходимларнинг жавобгарлигини белгилайди.

2. Тижорат банклари мазкур Низом талаблари асосида, ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, ички тартибларини ишлаб чиқиши мумкин. Ушбу ички тартибларда мазкур Низомда белгиланган меъёрларга зид қоидалар белгиланиши мумкин эмас.

### **II. Тижорат банкларида электрон тўлов тизими ахборотларини муҳофаза қилишни ташкил этиш**

3. Тижорат банкларининг раҳбарлари, бош бухгалтери банк балансида ва электрон тўловлар тизими орқали ўтказилган тўлов ҳужжатларида акс эттирилган маълумотларнинг бут сақланиши, шунингдек маълумотларнинг ўзгартиришсиз, тўғри узатилиши учун шахсан жавоб берадилар.

4. Тижорат банклари раҳбарлари ўз банк филиалларида банк сирини ҳимоялаш бўйича, Локал тармоқ администратори, Ахборот муҳофазаси, шунингдек анти-вирус ишларини юритиш учун жавобгар ходимларни тайинлайдилар.

5. Тижорат банкларининг раҳбарлари электрон тўловларни тайёрловчи ходим (кейинги ўринларда масъул ходим) билан амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузишлари лозим.

Масъул ходим тўлов тизимида киритаётган маълумотларнинг тўғри, аниқ ва қонуний киритганлиги учун жавобгардир.

6. Ҳар бир масъул ходим, бўлим бошлиқлари, бош бухгалтер ўринбосарларининг хоналарига ўрнатилган ишчи станцияларга кириш пароллар орқали амалга оширилиб, банк телекоммуникация тармоғида ишлаш ваколатига эга бўлган ходимларнинг ишчи станциялари мазкур тармоққа уланишга рухсат берувчи аппарат — дастурий қурилмалар билан жиҳозланиши лозим.

Бош банкларнинг Тўлов марказидаги компьютер ва серверларига банкнинг умумий локал тармоғига уланган ишчи станцияларнинг кириш (кўриш) имконияти бўлмаслиги лозим.

7. Барча тўлов ҳужжатлари алоҳида хонада жойлашган ва локал тармоқ орқали уланган принтерда қоғозга чоп этилиши ва белгиланган тартибда имзолар билан расмийлаштирилиши лозим.

8. Ҳар бир Бош банк ва электрон тўловлар базаси бор филиаллар банк амалиёт кунини ташкил этиш ҳамда электрон тўловлар тизими орқали филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича тузилма ташкил этиши шарт.

9. Электрон тўлов тизимида ишлаётган Бош банклар ҳар бир филиалдан ўтадиган тўлов ҳужжатларини электрон имзо билан тасдиқланишини аппарат-дастурий қурилмалар ёрдамида амалга оширадilar.

10. Электрон тўловлар тижорат банкларида қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) файл кўринишида (off-line). Банк филиалининг бош бухгалтери масъул ходимлар киритган маълумотларни текшириб ва уни ўзига бириктирилган электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити билан тасдиқлайди ва Бош банк Тўлов марказига жўнатади.

Тўлов марказига келиб тушган электрон ҳужжатнинг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун текширилади, электрон рақамли имзо тасдиқланса, электрон ҳужжат ишлов бериш учун қабул қилинади. Агар электрон рақамли имзо тасдиқланмаса, электрон ҳужжат ишлов беришга қабул қилинмайди. Электрон ҳужжатни ҳосил қилган филиалга электрон ҳужжатни қабул қилинмаганлиги тўғрисида маълумот юборилади. Қабул қилинган маълумот ишлов берилиб, Тўлов марказининг тегишли электрон рақамли имзосининг ёпиқ калити билан тасдиқланиб, филиалга жўнатилади. Агар электрон ҳужжат банклараро тўлов бўлса, Бош банкнинг Тўлов маркази ўз электрон рақамли имзосининг ёпиқ калити билан тасдиқлаб, Марказий банк Ахборотлаштириш Бош Маркази «Ҳисоб-китоблар маркази» (кейинги ўринларда АБМ ҲҚМ)га жўнатади. Узатилган электрон ҳужжатнинг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун текширилади, Бош банкнинг электрон рақамли имзоси тасдиқланса, АБМ ҲҚМ томонидан электрон ҳужжат қайта ишланишига рухсат берилади. Агар Бош банкнинг электрон рақамли имзоси тасдиқланмаса, тасдиқланмаганлиги тўғрисидаги маълумот Бош банкка юборилади.

Ахборот Банк амалиёт кунини дастурида автомат тарзда шифрация жараёнидан ўтиши ва мазкур банкнинг Тўлов марказига жўнатилиши лозим.

б) аниқ вақтда (on-line). Тижорат банки филиалининг ҳар бир масъул ходими ҳужжатнинг асл нусхасидан макет асосида маълумотларни Тўлов маркази серверига киритади ва ўзига бириктирилган электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити билан тасдиқлайди, сўнг киритилган жадвалдаги электрон тўлов маълумотларини бош бухгалтер текшириб, тўловни амалга оширишга рухсат беради. Электрон ҳужжатнинг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлиги текширилиб, ишлов беришга олинади. Ишлов бериш натижасида тўлов маълумоти шу банкка тегишли бўлса, ўша филиалга тегишли ҳисобварақда акс эттирилади. Агар электрон рақамли имзо тасдиқланмаса, электрон ҳужжат қайта ишланишга қабул қилинмайди. Электрон ҳужжатни ҳосил қилган филиалга электрон ҳужжатни қабул қилинмаганлиги тўғрисида маълумот юборилади. Банклараро тўлов маълумоти эса АБМ ҲҚМга Бош банк Тўлов марказининг электрон рақамли имзосининг ёпиқ калити билан тасдиқланиб, узатилади.

11. Тижорат банклари филиаллари билан Бош банк Тўлов маркази орасидаги, Бош банк билан Марказий банк Ахборотлаштириш Бош Маркази орасидаги алоқа тармоқлари бузилганда ахборот қуйидаги усулларда узатилиши ва қабул қилиниши мумкин:

Коммутацияли телефон тармоғи орқали:

а) тижорат банки филиали Бош банкнинг Тўлов марказини ёзма равишда коммутацияли телефон тармоғи орқали ишлаши ҳақида огоҳлантиради, сўнгра коммутацияли телефон тармоғи орқали ахборот алмашинувини амалга оширади;

б) коммутацияли телефон тармоғи орқали ишлаш имкони бўлмаганда тижорат банк филиали ўзининг вилоят бошқармасидан, ёки банк тизимига тегишли бўлган бошқа банк бўлими орқали тегишли созлаш ишларини амалга оширган ҳолда ўз идентификатори билан ахборот алмашинувини амалга ошириши мумкин;

в) Бош банк билан АБМ орасидаги алоқа тармоқлари бузилганда Бош банк Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаментидан ёзма равишда рухсат сўрайди, сўнгра ўз тизимига тегишли бўлган банк бўлими орқали керакли созлаш ишларини амалга ошириб, АБМ билан ахборот алмашинувини амалга оширади.

12. Бош банк билан унинг филиаллари орасидаги, Бош банк билан АБМ орасидаги алоқа тармоқлари ёки электр манбаи бузилганда, ахборот алмашинувини тижорат банклари ташқи сақловчи воситалар ёрдамида қўйидагича узатиши ва қабул қилиши мумкин:

а) Бош банк Тўлов маркази билан унинг филиаллари ёки АБМ билан Бош банк электрон ҳужжатларни ташқи сақловчи воситалар ёрдамида алмашувини амалга ошириш учун, алмашув ташаббускори (узатувчи банк ёки филиал) бўлган филиал ёки Бош банк томонидан электрон ҳужжатни қабул қилувчи Бош банк тўлов маркази ёки АБМ бошлиғи номига ташаббускор банк раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган хат юборилади. Хатда сана, электрон ҳужжатларни ташқи сақловчи восита орқали ўтказилишининг сабаби, электрон ҳужжатларни ташқи сақловчи восита орқали узатувчи ходимнинг исми, шарифи ва лавозимини кўрсатиш лозим.

б) Электрон ҳужжатларни ташқи сақловчи восита орқали узатишга тайёрлашда, камида иккита ташқи сақловчи восита — асосий ва қўшимча ташқи сақловчи воситалар тайёрланиши зарур ва қўйидагиларга риоя қилиш лозим:

ташқи сақловчи воситани форматлаштириш;

узатишга мўлжалланган файлларнинг номи 8.3 форматда (8 байт — файл номининг узунлиги, 3 байт — файл кенгайтмасининг узунлиги) бўлиши керак;

электрон ҳужжат ташқи сақловчи воситага Банк амалиёти дастури орқали кўчирилади;

ташқи сақловчи воситада, узатишга мўлжалланмаган электрон ҳужжатлар бўлмаслиги керак;

ташқи сақловчи воситадаги электрон ҳужжат «вирус» йўқлигига энг сўнги базага эга Антивирус дастури орқали текширилган бўлиши лозим.

в) ҳар бир ташқи сақловчи воситага иккитадан маълумотнома илова қилиниши керак бўлиб, уларда: ташқи сақловчи воситанинг таққослаш рақами, яъни мувофиқ ташқи сақловчи воситага қўйилган рақам билан мос тушадиган рақам, узатишга мўлжалланган барча файлларнинг номи, ҳажми, файллар яратилган сана ва вақти, маълумотноманинг олинган вақти ва кунини, ижро этувчининг, яъни маълумотнома олган ходимнинг исми шарифи ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак (маълумотнинг шакли иловада келтирилган);

г) маълумотномаларга жавобгар шахс ва ижро этувчи томонидан имзо қўйилган бўлиши керак;

д) Тижорат банки филиали томонидан Бош банк Тўлов марказига, Бош банк Тўлов маркази томонидан АБМ га электрон ҳужжатни ташқи сақловчи воситада бош бухгалтер, бош бухгалтер ёрдамчиси ёки ваколатли бошқа ходим етказувчи бўлиши мумкин.

13. Электрон ҳужжатни ташқи сақловчи воситада қабул қилиб олувчи Бош банк ёки АБМ ходими қуйидагиларни бажариши шарт:

хатнинг мавжудлигини ва унинг тўғри тузилганлигини текшириши;

маълумотномаларнинг мавжудлигини ва уларда зарур бўлган реквизитларнинг қайд қилинганлигини текшириши;

ташқи сақловчи воситани «вирус» йўқлигига энг сўнгги базага эга Антивирус дастури орқали текшириши;

ташқи сақловчи воситадан ўз дастури орқали икки нусхада маълумотнома олиши;

ўзи олган маълумотномаларни ташқи сақловчи восита билан бирга келтирган маълумотномаларга солиштириб кўриши лозим;

Маълумотномалар бир-бирига мос келиши зарур.

Юқорида келтирилган шартлар тўлиқ бажарилмаса, ташқи сақловчи воситадаги электрон ҳужжат қабул қилинмайди.

14. Бош банк ёки АБМнинг электрон ҳужжатни ташқи сақловчи воситада қабул қилиб олувчи ходими қуйидагиларни бажаради:

ташқи сақловчи воситадан электрон ҳужжатни компьютерга ўтказди;

иккита маълумотномага имзо қўяди;

ташқи сақловчи восита билан бирга тақдим этилган маълумотномаларнинг бирини ташқи сақловчи восита билан қўшиб қайтариб беради;

ташқи сақловчи восита орқали қабул қилиб олинган электрон ҳужжатни белгиланган тартибда жўнатади;

ташқи сақловчи восита билан келтирилган маълумотномани махсус папкага тикиб қўяди;

махсус дафтарга, электрон ҳужжатнинг ташқи сақловчи восита орқали қабул қилинганлигини ёзиб қўяди. Шу билан бирга дафтарга электрон ҳужжатнинг қабул қилинган санаси, вақти, қабул қилинган файлларнинг номи ва ҳажми, электрон ҳужжат узатувчисининг реквизитларини киритиб боради. Ташқи сақловчи восита орқали электрон ҳужжатни қабул қилган ходим махсус дафтарга ўз имзосини қўяди;

ташқи сақловчи восита орқали қабул қилинган электрон ҳужжатларни белгиланган жойга тўғри узатилишини назорат қилиб боради.

Электрон ҳужжатни ташқи сақловчи воситада қабул қилиб олувчи Бош банк ёки АБМ ходими, ўрнатилган қоидаларга асосан қабул қилинган электрон ҳужжатнинг хатолигига жавобгар бўлмайди.

Бош банк ёки АБМ нинг электрон ҳужжатни ташқи сақловчи воситалар орқали узатувчи ходими, узатиш қоидаларининг барчасига риоя қилгани ҳолда, ташқи сақловчи воситанинг ҳолатига ва вужудга келган яроқсиз жойларига жавобгар бўлмайди.

15. Электрон тўлов тизими орқали электрон тўловга тегишли бўлмаган маълумотларни юбориш тақиқланади.

16. Йўл қўйилган қоидабузарликлар натижасида тижорат банки моддий зарар кўрган тақдирда, айбдор шахслар қонунчиликда кўзда тутилган тартибда жавобгар бўладилар.

17. Ходим электрон тўлов тизими орқали мижозларнинг ҳисобварақларидан ёки банкнинг ички ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқармасдан электрон тўлов ҳужжатлари орқали жўнатганлиги натижасида тижорат банкига етказилган зарар белгиланган тартибда ундириб олинади.

18. Етказилган зарарни аниқлаш мақсадида зарур ҳолларда ҳайъат тузилади ва тижорат банкларининг электрон архив ҳужжатлари батафсил текшириб чиқилади.

19. Ҳайъат таркибига Марказий банкнинг ваколатли ходимлари, тижорат банки бош бухгалтерлари ва бошқа тегишли ходимлари киритилиши лозим.

### III. Электрон почта ва интернетдан фойдаланиш

20. Банк томонидан «Банк сири»ни ташкил этувчи маълумотлар электрон почта орқали юборилганда, маълумотлар шифрланиши ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши шарт. Банк фаолиятига тегишли бўлмаган маълумотларнинг электрон почта орқали узатилиши қатъиян ман этилади. Бунга йўл қўйган шахслар қонунда кўзда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

21. Банк томонидан электрон почта орқали жўнатилаётган ҳар бир электрон маълумот «вирус» йўқлигига энг сўнгги базага эга Антивирус дастури орқали текширилиши шарт.

22. Интернет тармоғига эга бўлган Бош банклар ва филиаллари ўзларининг тўлов тизимига боғланган ишчи станциялари, серверлари, хавфсизлик мажмуаларини интернет тармоғига улашлари ман этилади. Интернет провайдерлари билан банкнинг ажратилган ишчи станциялари алоҳида канал орқали уланишини амалга оширадilar.

Банк интернетдан фойдаланиш ички тартиб қоидаларини ишлаб чиқиши ва рухсат берилган фойдаланувчиларнинг интернетдан фойдаланишини таъминлаши лозим.

### IV. Фавқулотда ҳолатларда тўлов тизимини ишлатиш ва захирали нусхалаш

23. Банк электрон тўлов тизимига тегишли бўлган барча маълумотларни архивга олиш Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Тўлов тизими компьютер ва жиҳозларининг ишдан чиқиши ҳолатлари юз берганда, тўлов тизимининг бетўхтов ишлашини таъминлаш учун тижорат банклари Захира тикланиш режаси, дастур ва ускуналарга эга бўлишлари шарт.

24. Бош банк Тўлов марказидаги тизимнинг ишончилигини ошириш учун RAID технологиялари асосида дисклардаги маълумотлар такрорланади.

25. Бош банк Тўлов марказидаги тизимни фавқулотда ҳолат (ёнғин, зилзила, сув тошқини ва бошқа) лардан ҳимоя қилиш учун 5 км дан кам бўлмаган масофада Тўлов марказининг захира марказларини ташкил этиш тавсия этилади. Захира маркази банкнинг филиалларида, бошқа банкда, ташкилотда ёки алоҳида ажратилган бинода ташкил этилиши мумкин. Захира маркази ҳисоблаш техникаси мажмуаси билан тўлиқ таъминланиши лозим. Асосий тармоқда ишлатилаётган дастур ва маълумотларнинг захира нусхалари захира марказда сақланиши лозим. Бу эса тизимнинг тез қайта тикланишини таъминлайди. Захира марказида маълумотларни тиклаб туриш даврийлиги қунига бир мартадан кам бўлмаслиги керак.

26. Ҳар бир банкда фавқулотда ҳолатларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси бўлиши шарт. Чора-тадбирлар режаси бир неча турли даражалар, шу жумладан охириги фойдаланувчи, тармоқ ва банк (филиаллар, бўлинмалар ёки банкнинг ўзини тўлиқлигича олинган ҳолда) учун ишлаб чиқилади.

*а) охириги фойдаланувчи учун режа.* Фавқулотда ҳолатларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасида охириги фойдаланувчи учун ҳужжатларни қайта тиклаш ва ҳимоя қилиш, фойдаланувчи жавобгар бўлган мажмуаларни ҳимоя қилиш, шу-

нингдек тармоқнинг нормал тарзда ишлаши тўхтаб қолган ёки бузилган ҳолларда ўтказиладиган чора-тадбирларга доир йўриқномалар.

б) *тармоқ учун режа*. Фавқулотда ҳолатлар режасида тармоқ қурилмаларида бўладиган бузилишлар ва охириги фойдаланувчининг имкониятига қараб тармоқдаги бузилишларга хизмат кўрсатиш. Бу режага бир қанча ходимларнинг лавозим мажбуриятлари, тизим ишлашини қайта тиклаш бўйича чора-тадбирлар киради.

в) *банк учун режа*. Банкнинг Фавқулотда ҳолатларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасига корпоратив маълумотлар бўйича хизмат кўрсатиш ва уларни химоялаш чора-тадбирлари киради.

27. Электр билан таъминлаш бузилганда иш узлуксизлигини таъминлаш учун банклар серверларини ва зарур бўлган ишчи станцияларини энергия билан таъминловчи восита — UPS билан таъминланиши лозим. Бундан ташқари, банк узлуксиз ишлаши учун камида бир суткага етадиган ёқилғи запасига эга бўлган дизелгенераторлар билан ҳам таъминланиши лозим. Банкда электр билан таъминлаш бўлмаганда 10 минутдан сўнг дизелгенераторлар автомат равишда ишга тушиши лозим.

#### V. Низом талаблари устидан назорат

28. Бош банк Ахборотни муҳофаза қилиш бўлими ходимлари (шўъба, жавобгар ходим) ўз банкларида мазкур Низом талабларининг бажарилиши устидан доимий назорат олиб боришлари лозим. Даврий ўтказилган текширувлар натижаси далолатнома билан расмийлаштирилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти томонидан мувофиқлаштирилган режа-жадваллар асосида, тижорат банкларида ушбу Низом талабларини бажарилиши устидан текширувлар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга  
ИЛЮВА

#### Марказий банк Ахборотлаштириш Бош Марказига Бош банкдан ёки Бош банкга филиали томонидан ташқи сақловчи воситада тақдим этувчи файллар рўйхати ҳақида маълумот

Файлнинг номи	Файлнинг ҳажми	Яратилиш вақти	Яратилиш санаси

Ташқи сақловчи воситанинг белгиси: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (Вақти, санаси)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**90** Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон  
рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
13 мартда 1553-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 23 мартдан кучга киради)*

«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 11 декабрь 563–II сонли «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сонли «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кундан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарор кучга киритилиши билан Марказий банк Бошқарувининг 2000 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон архив ишларини юритиш тўғрисида»ги йўриқнома ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисоб-китоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация калитларидан фойдаланиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 16/4-сонли қарори билан тасдиқланган 478-сонли (2000 йил 16 сентябрь, рўйхат рақами 991) «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисоб-китоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация калитларидан фойдаланиш тартиби» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Марказий банк Бошқарувининг 2000 йил 2 сентябрдаги 16/4-сонли қарорининг номи ва 1-бандидан «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисоб-китоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация калитларидан фойдаланиш тартиби» сўзлари чиқариб ташлансин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф.М. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 январь,  
1/10-сон



Марказий банки Бошқаруви  
томонидан 2006 йил 17 январдаги  
1/10-сонли қарор билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сонли «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банк телекоммуникация тармоғи орқали электрон ҳужжатларни узатилиши ва қабул қилинишида электрон маълумотларни муҳофаза қилиш, электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш ва уларни сақланишини тўғри ташкил этиш тартибини белгилайди.

Барча банк телекоммуникация тармоғи иштирокчилари мазкур Низом талабларига амал қилишлари мажбурийдир.

### I. Умумий қисм

1. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**банк телекоммуникация тармоғи иштирокчиси** — Марказий банкнинг мулки ҳисобланган банк телекоммуникация тармоғи орқали шартнома асосида электрон ҳужжатларни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш ҳуқуқи берилган молия ташкилотлари;

**электрон рақамли имзо** — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

**электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити** — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

**электрон рақамли имзонинг очиқ калити** — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

**электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш** — электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилигини ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа;

**электрон ҳужжат** — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо

билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот;

**электрон идентификатор** — электрон рақамли имзо калити ёзилган техникавий восита;

**бош бухгалтер электрон рақамли имзоси** — банк тизимида электрон ҳужжатларни тасдиқлаш учун доимий қўлланиладиган электрон рақамли имзо;

**бош бухгалтер захира электрон рақамли имзоси** — доимий электрон рақамли имзо (электрон идентификатор)ни қўллашда техник носозликлар келиб чиққан вазиятларда вақтинча қўлланиладиган электрон рақамли имзо;

**электрон рақамли имзо калитининг сертификати** — электрон рақамли имзонинг очиқ калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжатдир;

**сертификатнинг реестри** — рўйхатга олинган сертификатлар мажмуаси;

**шифрлаш** — ахборотни махсус алгоритм ёрдамида ўзгартириш;

**шифрлаш калити** — ахборотни шифрлаш ва шифрдан ечиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

## II. Электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларини қўлланилиши

2. Электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитлари электрон ҳужжатларнинг аслига тўғрилигини таъминлаш ва ташқи муҳит таъсиридан муҳофазалаш мақсадида қўлланилади.

3. Бош бухгалтернинг электрон рақамли имзоси электрон идентификаторда ёки бошқа турдаги махсус қурилмаларда ёзилган бўлиши мумкин.

4. Банк телекоммуникация тармоғи орқали узатилаётган электрон ҳужжат махсус техник-дастурий муҳофазалаш қурилмаси ёрдамида электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитлари қўлланилган ҳолда муҳофазаланади.

## III. Электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларини яратиш

5. Шифрлаш калитлари махсус аппарат-дастурий қурилмалар ёки дастурий йўл билан яратилади.

Электрон рақамли имзо калитларини яратиш ҳамда электрон рақамли имзо очиқ калитларини фойдаланувчиларига тақдим этиш ишлари Рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

6. Рўйхатга олиш маркази Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда ташкил этилади.

Тижорат банклари ушбу Рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзо сертификатларига асосан электрон ҳужжат ахборотларини муҳофазалаш ишларини ташкил қиладилар.

7. Марказий банк ва унинг Худудий Бош бошқармалари, Ҳисоб-китоб касса марказлари, Тижорат банклари, Валюта биржаси, Республика инкассация бирлашмаси, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Рўйхатга олиш марказининг фойдаланувчилари ҳисобланади.

8. Электрон рақамли имзо калитлари Рўйхатга олиш маркази ёки фойдаланувчи томонидан сертификатланган махсус техникавий ва дастурий воситалар мажмуи ёрдамида яратилади.

#### IV. Электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрини юритиш

9. Электрон рақамли имзо калитлари сертификатларини бериш Рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо калитлари сертификатининг реестри юритилади.

11. Тижорат банклари, Марказий банк Худудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса маркази, Валюта биржаси, Давлат белгиси ишлаб чиқариш бирлашмаси, Инкассация бирлашмаси Марказий банк Рўйхатга олиш марказига яратилган электрон рақамли имзо калитларининг сертификатларини олиш учун хужжатлар тўпламини тақдим этади.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Рўйхатга олиш марказининг ваколатли ходими электрон рақамли имзо калитлари сертификатларини умумлаштиради.

13. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати электрон рақамли имзо рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 12 ойдан ошмаслиги керак. Кейинчалик электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати шартнома билан узайтирилади, бироқ икки мартадан ортиқ узайтирилмайди.

14. Электрон хужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификати рўйхатга олиш маркази ваколатли ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

15. Қоғоз кўринишидаги электрон рақамли имзо калити сертификати икки нусхада расмийлаштирилади. Бундай сертификатнинг нусхалари рўйхатга олиниб, ваколатли ходим томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг бир нусхаси электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига берилади, бошқа нусхаси эса Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказида сақланади.

16. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

агар электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси юридик шахснинг вакили бўлса, шу юридик шахснинг номи;

унинг тартиб рақами ва амал қилиш муддати;

электрон рақамли имзонинг очиқ калити;

электрон рақамли имзонинг очиқ калитидан фойдаланишда ёрдам бериши мумкин бўлган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

мазкур сертификатни берган рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган манзили;

электрон рақамли имздан фойдаланиш мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатлари реестрининг электрон манзили.

17. Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ташаббуси билан электрон рақамли имзо калити сертификатига бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

#### V. Электрон рақамли имзо калитларини ишга тушириш

18. Рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзо очиқ

калитлари сертификатлар реестрига киритилиб, Марказий банк Ахборотлаштириш Бош маркази ҳамда тижорат банкларига юборилади ва белгиланган кундан бошлаб ишга туширилади.

19. Бош тижорат банклари томонидан иш куни бошида Марказий банк Рўйхатга олиш маркази томонидан юборилган сертификатлар реестри белгиланган тартибда янгиланади.

#### **VI. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси**

20. Электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига электрон рақамли имзо калити сертификати берилган жисмоний шахс электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси бўлади.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши тўғрисида рўйхатга олиш марказига хабар қилиши шарт.

#### **VII. Электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг жавобгарлиги**

21. Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ўз мажбуриятларини ба-  
жармаслиги оқибатида электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан рухсатсиз фой-  
даланиш туфайли етказилган зарар учун тегишли электрон рақамли имзо очик  
калитининг фойдаланувчиси олдида жавобгар бўлади.

#### **VIII. Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси**

22. Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун электрон рақам-  
ли имзонинг очик калитидан фойдаланаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон  
рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси бўлиши мумкин.

23. Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақам-  
ли имзонинг ёпиқ калити эгасига тегишлилигини ва электрон рақамли имзонинг  
ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига  
муружаат этиши мумкин.

24. Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақам-  
ли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ  
калит эгасига хабар беради.

#### **IX. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш**

25. Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзо

ёпиқ калити эгасининг аризаси асосида рўйхатга олиш маркази томонидан бекор қилиниши мумкин.

26. Рўйхатга олиш маркази, электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг розилигидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиши шарт, агар:

мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилишига асос бўлган ҳужжатнинг амал қилиши тугатилганлиги аниқ маълум бўлса;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган ҳоллар аниқланган бўлса.

27. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати тугаган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг уни қайта тиклаш ҳақида аризаси бўлмаган тақдирда ҳам электрон рақамли имзо калитининг сертификати бекор қилиниши керак.

28. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси олинган ёки ушбу модданин иккинчи ва учинчи қисмларида баён қилинган ҳолатлар юзага келган кунда рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

29. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги ёзув рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига киритилиб, бу ҳақда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси хабардор қилинади.

#### **Х. Электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш**

30. Банк телекоммуникация тармоғи орқали узатилаётган электрон ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва шифрланган бўлиши шарт.

Электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган ва шифрлаш жараёнидан ўтмаган электрон ҳужжатлар қайта ишлаш учун қабул қилинмайди.

31. Банк телекоммуникация тармоғи иштирокчиси ўзи жўнатган электрон ҳужжат электрон рақамли имзосиз ёки электрон рақамли имзоси мос келмаганлиги тўғрисида маълумот олганида, зудлик билан муаммони ҳал этиши ва электрон ҳужжатни қайтадан жўнатиши лозим.

32. Марказий банк аппарти, Марказий банк Худудий Бош бошқармалари раҳбар ходимлари томонидан электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити ҳужжатлар айланмаси (документ оборот) учун ишлатилади.

33. Бош бухгалтер электрон рақамли имзосининг ёпиқ калити ва электрон рақамли имзосининг захира ёпиқ калити сейфда сақланиши шарт ҳамда уни бошқа ходимларга фойдаланиш учун берилиши қатъиян ман қилинади.

34. Рўйхатга олиш марказининг электрон архив ишлари учун жавобгар ходими муддати тугаган ва ўз кучини йўқотган электрон рақамли имзоларнинг очиқ калитларини архивлаштириб, ташқи сақловчи воситаларга кўчириши шарт.

35. Электрон ҳужжатни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш жараёнида муаммолар келиб чиққан вазиятларда (электрон имзо ёки электрон имзо қўювчи техник восита бузилганида) электрон рақамли имзо калити сертификати эгаси Марказий банкка ёзма равишда маълумот беради. Ушбу маълумотда муаммонинг сабаблари аниқ кўрсатилади ва «захира электрон рақамли имзо»дан фойдаланишга рухсат сўралади.

36. Захира электрон рақамли имзодан уч иш кунидан узоқ муддатда фойдаланиш тақиқланади.

37. Тижорат банкларида электрон рақамли имзо (электрон рақамли имзо калити бузилганда, йўқотилганда ва шу каби бошқа ҳолатларда) белгиланган даврдан илгари янгиланиш учун Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига аввал телефон орқали, сўнгра ёзма равишда маълумот берилади. Ушбу маълумотда электрон рақамли имзонинг янгиланиш сабаблари батафсил кўрсатилади.

38. Мазкур Низом талаблари асосида электрон рақамли имзодан фойдаланиш ва уни сақланиши учун банк телекоммуникация тармоғи иштирокчиси раҳбарияти жавобгардирлар.

#### Келишилган:

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А. ИЗБОСАРОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

## **91** Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 мартда 1218-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 23 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 31 январдаги 24, 2003-19-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2003 йил 16 февраль, рўйхат рақами 1218 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 4-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 6-сон, 79-модда; 2005 йил, 5-6-сон, 50-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
24-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
2006-6-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 24, 2006-6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

- +
1. 3-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«айрим турлардаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим (юридик шахслар учун);».
  2. 8-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.
  3. 10-банднинг охири хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«С — қатъий белгиланган солиқнинг ставкаси.».
-

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**92** Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
13 мартда 1230-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 23 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 26 февралдаги 37-, 2003-33-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2003 йил 3 апрель, рўйхат рақами 1230 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й., 4-сон, 50-модда; 31-сон, 359-модда; 2005 йил, 5-6-сон, 51-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
22-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
2006-13-сон



Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 22, 2006-13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг олтинчи хатбоши ва 5-банд чиқариб ташлансин.
2. 14-бандда:  
биринчи хатбошидаги «автотранспорт воситаларидан ташқари» сўзлари чиқариб ташлансин;  
иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**93 Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 мартда 1234-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 23 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 4 апрелдаги 51, 2003-42-сон қарори билан тасдиқланган Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (2003 йил 21 апрель, рўйхат рақами 1234 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон; Ўзбе-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

кстон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 34-36-сон, 267-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
20-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
2006-12-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 20, 2006-12-сон қарорига  
ИЛОВА

**Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан берилган рухсатномага (лицензия) мувофиқ амалга оширувчи юридик шахслар даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш ўрнига ялпи тушумдан ягона солиқ тўлайдилар.»

2. 3-банд қуйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи;»;

учинчи—бешинчи хатбошлари тегишлича тўртинчи—олтинчи хатбошлари деб ҳисоблансин.

3. 7-банд, 1-сон илованинг 5-сатри ва 2-сон илованинг 7-сатридаги «20» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**94** Истеъмол товарлари ва болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек республикада ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини сотувчи улгуржи савдо корхоналари учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
13 мартда 1235-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 23 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 8 апрелдаги «Истеъмол товарлари ва болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек республикада ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини сотувчи улгуржи савдо корхоналари учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 69, 2005-45-сон қарорига (2003 йил 21 апрель, рўйхат рақами 1235 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
16-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
2006-17-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOЛИЯ BAZИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**95 Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериладиган ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларга қўшилган қиймат солиғи бўйича нол даражали ставкани қўллаш тартибини, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида**

*(2006 йил 13 мартда давлат реестридан чиқарилди)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1998 йил 20 февралдаги 05, 98-15-сон билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериладиган ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларга қўшилган қиймат солиғи бўйича нол даражали ставкани қўллаш тартиби (1998 йил 1 июнь, рўйхат рақами 441);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 6 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериладиган ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларга қўшилган қиймат солиғи бўйича нол даражали ставкани қўллаш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 70, 2001-48-сон қарори (2001 йил 20 июль, рўйхат рақами 441).

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
13-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
2006-15-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**96** Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 16 мартда 1260-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 26 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 июлдаги 76, 2003-62-сон қарори билан тасдиқланган Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2003 йил 21 июль, рўйхат рақами 1260 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 13-14-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сон, 52-модда; 41-42-сон, 322-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
12-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
2006-19-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 12, 2006-19-сон қарорига  
ИЛОВА

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи  
даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

ўнинчи бандда «чакана ва (ёки) улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномасига эга бўлишлари лозим» сўзлари «олинган» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги тахрирдаги хатбошлари билан тўлдирилсин:

алкаголли ичимликлар ҳамда қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдони амалга оширганда — чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномасига;

улгуржи савдо билан шуғулланганда — улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлишлари лозим.»

2. 3-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«айрим турлардаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;».

3. 7-бандда:

қуйидаги тахрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Товарларни харид қийматидан паст нархларда сотилганда, шунингдек товарларни беғараз беришда солиқ солиш мақсадларида сотиш қиймати товарларнинг харид қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;».

учинчи—бешинчи хатбошлари тегишлича тўртинчи—олтинчи хатбошлар деб ҳисоблансин.

4. 8 -бандда:

қуйидаги тахрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат субсидиялари суммаси;»

қуйидаги тахрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«дивидендлар шаклида олинган ва мазкур дивидендлар олинган корхоналар устав капиталига (фондига) йўналтирилган даромадлар;».

5. 13-банддаги «15 кундан» сўзларидан кейин «йил якуни бўйича эса — йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай» сўзлари билан тўлдирилсин.

6. 4-сон илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга иловага мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари  
томонидан ялпи даромад солигини ҳисоблаб  
чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
ИЛОВА

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари  
томонидан ялпи даромад солигини ҳисоблаб  
чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

Корхона штампи

Давлат солиқ инспекциясига

бўйича

(корхонанинг тўлиқ номи)

СТИР

ХХТУТ

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари  
ялпи даромад солигининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Сумма				
		ҳисобот йилидан бошлаб	ҳисобот чораги учун	шу жумладан ойма-ой		
				1-ой	2-ой	3-ой
1	Солиқ солинадиган ялпи даромад — жами шу жумладан:					
1.1	белгиланган ставка бўйича солиққа тортиладиган					
1.2	пластик карталардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка бўйича солиққа тортиладиган					
2	Ялпи даромад солигининг белгиланган ставкаси, фоизда					
3	Пластик карталардан фойдаланганлик учун олинган товар айланмасига боғлиқ ҳолда ялпи даромадга тузатилган солиқ ставкаси, фоизда (2-сатр – (2-сатр x 20 / 100))					
4.	Ҳисобот даври учун ялпи даромад солиғи — жами:					
4.1	белгиланган ставка бўйича (1.1-сатр x 2-сатр / 100)					
4.2	пластик карталардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка бўйича (1.2-сатр x 3-сатр / 100)					
5	Олдинги ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ялпи даромад солиғи					
6	Бюджетга тўлаш лозим бўлган ялпи даромад солиғи суммаси (4-сатр – 5-сатр)					

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Корхона раҳбари

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер  
(ёки зиммасига бухгалтерия ҳисоби ва  
молиявий бошқариш вазифалари  
юкланган бошқа шахс)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

20 \_\_ й. « \_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

Солиқ инспекторининг белгиси \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Қабул қилдим

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(солиқ инспекторининг Ф.И.Ш.)

20 \_\_ й. « \_\_ » \_\_\_\_\_

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**97** Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган ҳарбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
17 мартда 1554-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 27 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган «Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган ҳарбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида низом» тасдиқлансин.



2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 март,  
274-В-сон

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 март,  
30-сон

Марказий банки Бошқаруви ва Молия  
вазирлигининг 2006 йил 11 мартдаги  
274-В, 30-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармаси  
маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти  
етиштирувчи бўлинмалар бўлган ҳарбий қисмларга кредитлар  
бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунларига мувофиқ тижорат банклари томонидан Мудофаа вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг Чегараларни қўриқлаш давлат қўмитасининг таркибида хўжалик ҳисобидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бўлинмалари мавжуд ҳарбий қисмларига имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом асосида имтиёзли кредитлар (кейинги ўринларда — кредитлар) таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бўлинмалар ташкил этилган ҳарбий қисмларга қишлоқ хўжалиги техникаси, йирик ва майда шохли чорва моллари сотиб олиш ва молхоналар қуриш учун қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармалари маблағлари ҳисобидан берилади.

2. Ушбу кредитлар мазкур Низомда белгиланган шартлар асосида таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бўлинма мавжуд бўлган ҳарбий қисм (кейинги ўринларда — ҳарбий қисм) номига 20203-сонли «Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи» очилган тижорат банки филиали томонидан 5 йилгача муддатга берилади.

3. Ҳарбий қисмлар фақат бир тижорат банкида (филиалида) бюджетдан таш-

қари талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очиш ҳуқуқига эга. Улар томонидан бошқа банкларда бюджетдан ташқари талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб varaғи очилишига йўл қўйилмайди.

4. Ушбу кредитлар бўйича йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдориди белгиланади.

5. Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг Чегараларни қўриқлаш давлат қўмитаси томонидан тегишли ҳарбий қисмлар командирларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бўлинманинг ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш мақсадлари учун тижорат банклари билан кредит шартномаси тузишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома берилади.

Ушбу ишончномада ҳарбий қисм командирига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун кредит олиш мақсадида тижорат банклари билан кредит шартномалари тузиш, кредитни қайтариш таъминоти сифатида бўлғуси ҳосил, чорвачилик маҳсулотларини ва кредит ҳисобидан сотиб олинган чорва моллари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини банкка гаровга қўйиш ваколатлари берилганлиги белгилаб қўйилиши лозим.

6. Тижорат банклари томонидан ҳарбий қисмларга бизнес-режа, техник-иқтисодий асослашларни ва кредит олиш учун лозим бўлган бошқа ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам берилиши лозим.

7. Мазкур кредитларнинг қайтарилиш таъминоти сифатида бўлғуси ҳосил, етиштириладиган чорвачилик маҳсулотлари ва кредит ҳисобига сотиб олинган чорва моллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси гарови хизмат қилади.

## II. Кредит беришни расмийлаштириш ва кредит бериш тартиби

8. Кредит олиш учун ҳарбий қисм унинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб varaғига (20203-сонли ҳисобвараққа) хизмат кўрсатаётган тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

кредит олиш учун буюртма;

пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;

кредитни қайтариш таъминоти;

бўлғуси ҳосил, чорва моллари ва қишлоқ хўжалик техникасининг банк-бенефициар фойдасига суғурталанганлиги ҳақидаги суғурта полиси;

ушбу кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларнинг тўлаб берилмаган қисмини тўлаб берилиши ҳақидаги Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг Чегараларни қўриқлаш давлат қўмитасининг ёзма мажбуриятлари.

9. Олинадиган кредитнинг қайтариш таъминоти сифатида қарз олувчи ҳарбий қисм банк филиалига кредитдан фойдаланиш муддати давомида олинадиган бўлғуси ҳосил ва ишлаб чиқариладиган чорвачилик маҳсулотларини сотишдан тушадиган барча маблағларни ҳамда кредит ҳисобига сотиб олинган чорва моллари ва қишлоқ хўжалиги техникасини таъминот сифатида тақдим этади.

Бунда банк ва ҳарбий қисм ўртасида бўлажак ҳосилни ва ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини сотишдан тушадиган барча пул маблағларини ҳамда кредит ҳисобидан сотиб олинадиган чорва моллари ва қишлоқ хўжалиги техникасини гарови шартномаси имзоланиши ва ушбу шартнома нотариал шаҳодатланиши шарт.

Гаров шартномасида ҳарбий қисм етиштирилган ҳосил ва ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини сотишдан тушган барча пул маблағларини тўлалигича ҳарбий қисмнинг бюджетдан ташқари депозит ҳисобварағига ўтказиб берили-

ши бўйича мажбуриятни олиши белгилаб қўйилади. Шунингдек, ушбу шартномада банкка ҳарбий қисмнинг бюджетдан ташқари депозит ҳисобварақдаги маблағлар ҳисобидан мемориал ордер билан, унга муддатли мажбуриятномалар илова қилинган ҳолда, биринчи навбатда, эътирозсиз (акцептсиз) тартибда, ҳисобланган фоизларни ва кредитни ундириш жадвалига мувофиқ, ҳисобланган фоизларни ундиришга ва кредитни қайтаришга йўналтириш ҳуқуқи бериладиган шартлар ҳам белгилаб қўйилади.

Шунингдек, гаров шартномасига ҳарбий қисм томонидан бўлғуси ҳосилни, кредит ҳисобидан сотиб олинган чорва моллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини кредит берган банк-бенефициар фойдасига табиий офатлардан, ўғирланишидан, йўл-транспорт ҳодисаларидан, режалаштирилган ҳосилни олинмаслигидан ихтиёрий суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси илова этилиши шарт.

10. Кредит беришни сўраб, мазкур Тартибнинг 8-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, берилган буюртманинг банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк томонидан кредит бериш ёки рад қилиш ҳақида ҳулоса берилиши муддати 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

11. Берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларнинг ҳарбий қисмларнинг бюджетдан ташқари талаб қилиб олингунча ҳисоб варақлардаги маблағлар ҳисобидан кредит шартномасида белгиланган муддатда қопланмай қолган қисми Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг Чегараларни қўриқлаш давлат қўмитаси томонидан уларга ҳар йили ушбу мақсадларга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

+

### III. Кредитларни бериш, ҳисобини юритиш ва кредитни қайтариш тартиби

-

12. Банк ва ҳарбий қисм ўртасида кредит шартномаси имзоланиб, у амалга киритилганидан кейин, банк ҳарбий қисм учун алоҳида ссуда ҳисоб варағини очади ва ундан қарз олувчи ҳарбий қисмнинг тўлов топшириқномалари асосида фақат нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш йўли билан кредитлар берилади.

13. Берилган кредитлар 15100 «Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

14. Алоҳида ссуда ҳисобрақамларидан берилган кредитлар бўйича ҳарбий қисмларнинг муддатли мажбуриятномалари расмийлаштирилади ва улар банкнинг тегишли ходимнинг фармойишига асосан кредит тўла қайтарилганига қадар 91905-«Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари» номли, кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

15. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва унинг жараёнида қарздор томонидан олинган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилиши текширилади. Банклар томонидан мониторинг амалга оширилиш тартиби, берилган кредитлар бошқа мақсадларда ишлатилган тақдирда, қарздорга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари кредит шартномасида белгилаб олинган бўлиши керак. Мониторинг вақтида берилган кредитлар мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланган тақдирда, кредитларнинг мақсадсиз ишлатилган қисми муддатидан олдин қайтариб олинади ва ҳарбий қисмга кредит шартномасида белгиланган жарима чоралари қўлланилади.

16. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади, уларни ундириш ойда бир марта, кредит

шартномасида келишилган санада амалга оширилади. Кредит бўйича ҳисобланган фоизлар тўлови ва асосий қарзнинг қайтарилиши қарздорнинг 20203-сонли “Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи”даги маблағлар ҳисобидан муддатли мажбуриятномалар асосида мемориал ордер билан биринчи навбатда, акцептсиз тартибда амалга оширилади. Бунда ҳисобланган фоизлар кредит бўйича асосий қарздан олдин ундириб олинади.

Ҳарбий қисмлар кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтариш ҳуқуқига эгалар.

17. Қарздорнинг 20203-сонли ҳисоб варағидаги маблағлар олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлмаган тақдирда, фоизлар ва кредит қолдиғини ундириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1) табиий офатлар ёки бошқа сабаблар натижасида ҳосил кам етиштирилгани ёки умуман етиштирилмагани ёки чорва молларининг нобуд бўлганлиги сабабли ҳарбий қисмнинг бюджетдан ташқари талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағидаги маблағлар кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашга етарли бўлмаган тақдирда, ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғи суғурта полиси асосида суғурта ташкилоти томонидан банкнинг биринчи талаби асосида қоплаб берилади;

2) етарли даражада ҳосил ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилган, аммо уни сотишдан тушган маблағлар кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлмаган тақдирда, кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларнинг қолдиқ суммаси кредитни қайтариш муддати етиб келганда Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг Чегараларни қўриқлаш давлат қўмитаси томонидан, уларнинг банкка тақдим этилган ёзма мажбуриятлари асосида, ушбу мақсадлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилади;

3) юқорида келтирилган барча манбалар ҳисобидан берилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар тўлиқ қопланмай қолган тақдирда, банк томонидан кредитнинг ва ҳисобланган фоизларнинг қопланмай қолган қисмини гаровга олинган чорва моллари ва қишлоқ хўжалиги техникасини қонунчиликда белгиланган тартибда уларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан қоплайди.

18. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган.

**Мудофаа вазири Р. МИРЗАЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 март

**Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 март

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**98** Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган  
товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз  
солиғини ҳисоблаш чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
17 мартда 1325-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 27 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрчаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мвеа-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-255-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 2-сон, 8-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 16, 2004-13-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаш чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2004 йил 15 март, рўйхат рақами 1325 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 133-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
15-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
2006-14-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**99** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 мартда 773-21-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 27 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли қарори билан тасдиқланган (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами, 32-сон, 2004 йил, август, 369-модда) «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк Раисининг ўринбосари А.Қ. Қодиров зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 март,  
7/6-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2006 йил 11 мартдан 17 мартгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006 йил 21 февралдаги 39-сон буйруғи.*

**2006 йил 13 мартда 1551-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 23 мартдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/8-сон қарори.*

**2006 йил 13 мартда 1552-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 23 мартдан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/10-сон қарори.*

**2006 йил 13 мартда 1553-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 23 мартдан кучга киради).**

4. «Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 24, 2006-6-сон қарори.*

**2006 йил 13 мартда 1218-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 23 мартдан кучга киради).**

5. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 22, 2006-13-сон қарори.*

**2006 йил 13 мартда 1230-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 23 мартдан кучга киради).**

6. «Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгар-

тириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 20, 2006-12-сон қарори.*

**2006 йил 13 мартда 1234-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 23 мартдан кучга киради).**

7. «Истеъмол товарлари ва болалар учун тўловлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек республикада ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини сотувчи улгуржи савдо корхоналари учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 16, 2006-17-сон қарори.*

**2006 йил 13 мартда 1235-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 23 мартдан кучга киради).**

8. «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 12, 2006-19-сон қарори.*

**2006 йил 16 мартда 1260-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 26 мартдан кучга киради).**

9. «Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган ҳарбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2006 йил 11 мартдаги 274-В ва 30-сон қарори.*

**2006 йил 17 мартда 1554-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 27 мартдан кучга киради).**

10. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 15, 2006-14-сон қарори.*

**2006 йил 17 мартда 1325-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 27 мартдан кучга киради).**

11. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2006 йил 11 мартдаги 274-В ва 30-сон қарори.*

**2006 йил 17 мартда 773-21-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 27 мартдан кучга киради).**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Автоматлаштирилган банк технологияси тизимидаги ахборотни муҳофаза қилиш ва ушбу қоидаларнинг бажарилишида тижорат банкларидаги мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги низоми. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (1998 йил 30 октябрь, рўйхат рақами 515; 2000 йил 27 январь, рўйхат рақами 515-1).*



*Адлия вазирининг 2006 йил 13 мартдаги 36-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

2. Автоматлаштирилган банк технологияси тизимидаги ахборотни муҳофаза қилиш ва ушбу қоидаларнинг бажарилишида Ҳисоб-китоб касса марказларидаги мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги низоми. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (1998 йил 30 октябрь, рўйхат рақами 516).*

*Адлия вазирининг 2006 йил 13 мартдаги 36-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисоб-китоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация қалитларидан фойдаланиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2000 йил 16 сентябрь, рўйхат рақами 991).*

*Адлия вазирининг 2006 йил 13 мартдаги 37-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериладиган ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларга қўшилган қиймат солиғи бўйича нол даражали ставкани қўллаш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1998 йил 1 июнь, рўйхат рақами 441) (2001 йил 20 июль, рўйхат рақами 441-1).*

*Адлия вазирининг 2006 йил 13 мартдаги 42-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

-

+